

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ” КАФЕДРАСИ

“Битирув малакавий иши ҳимояга
тавсия этилди”

“Ташқи иқтисодий фаолият”
кафедраси мудири и.ф.н., доц.
И.С.Хотамов _____

« ____ » _____ 2012 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ
tizимини такомиллаштириш (Мирзо Улуғбек тумани
ДСИ мисолида)**

Бажарди: “Инвестицион фаолият” факультетининг
“Маркетинг” (Ташқи иқтисодий фаолият) таълим
йўналиши 4-курс, МВ-75 гуруҳи талабаси
О.М.Махмудов _____

Илмий раҳбар: “Ташқи иқтисодий фаолият”
кафедраси доценти, и.ф.н. И.С.Хотамов _____

Битирув малакавий иши дастлабки ҳимоядан ўтганлиги 2012 йил ____ майдаги ____ -
сонли баённома билан расмийлаштирилган.

ТОШКЕНТ – 2012

Мундарижа

Кириш.....	3
I – Боб. Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари.....	9
1.1. Ташқи иқтисодий фаолият моҳияти ҳамда уни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг аҳамияти.....	9
1.2. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари.....	17
1.3. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	23
Биринчи боб бўйича қисқача хулоса	32
II-Боб. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ сиёсатининг макроиқтисодий самараси таҳлили.....	33
2.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ сиёсати самараси ва солиқ ислоҳотлари тенденциялари.....	33
2.2. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ имтиёзларини жорий қилиш ҳолати таҳлили.....	39
Иккинчи боб бўйича қисқача хулоса.....	52
III-Боб. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўналишлари.....	54
3.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ сиёсати йўналишлари.....	54
3.2. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда солиқ тизимини такомиллаштириш йўллари.....	59
Учинчи боб бўйича қисқача хулоса.....	64
Хулоса ва таклифлар.....	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги миллий иқтисодиётнинг ривожланишида янги саҳифа очди. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашуви шароитида дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатиш, ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувиغا, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Республикамизнинг ташқи иқтисодий алоқалари кун сайин ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам мавқени эгаллаш, халқаро меҳнат тақсимотида давлатимизнинг ўзига хос ўрни бўлишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам самара бера бошлади. Ҳозирги кунда республикамизда импортнинг ўрнини қоплаш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни кўллаб – қувватлаш дастури амалга оширилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш учун хорижий сармояларни устувор йўналишларга жадалроқ жалб қилишга, уларга кафолат ва имтиёзлар беришга, лицензиялар, “Ноу - хоу”лар сотиб олишга, валюта тушумларини кадрларни тайёрлашга сарфлашда эркинликлар беришга қаратилган изчил сиёсат олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил

Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида таъкидлаганидек, “Такидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган еди.”¹.

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ўзаро ҳамжиҳатлик билан муваффақиятли фаолият кўрсатишига уни оқилона бошқариш ва тартибга солиш орқали эришилади. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг таркибий тузилишига катта таъсир кўрсатади. Бундай аралашувнинг зарурияти мамлакатда доимий иқтисодий ўсишни ҳамда асосий товар ва хизматлар баҳоси барқарорлигини таъминлашдан келиб чиқади. Бундан ташқари, давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг товар экспорти ва импортини эътиборга олган ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятни муваффиқлаштириб туриш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тўлиқ таъминлаш ва миллий иқтисодиётнинг ривожланишида иқтисодиётни давлат турли иқтисодий механизмлари орқали тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда иқтисодиётни тартибга солиш ва ривожлантиришда иқтисодий усулларида бири бўлган молия механизми ва айниқса, унинг энг фаол бўлган солиқ механизми ёрдамида иқтисодиётни ўрганиш, энг оқилона

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январ, № 14 (5434)

шакллари қидириб топиш ўта мураккаб ва серқирра муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. «Солиқлар иқтисодий тартибга солувчи восита» концепцияси иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришни таъминлаш ва иқтисодий бошқаришда солиқлардан фойдаланишни англатади. Бу эса мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Битирув малакавий иш мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва методологик асослари хорижлик олимлар А.Смит, Д.Рикардо, Ж.С.Милл, Ж.Жексон, Ж.Бхагвати, П.Линдерт, А.Киреев, В.Леонтъев, И.Фомичев Ж.Ж. Ламбен, Дж. О'Шонесси, Е. Голубков, Дойль Питер ва бошқалар томонидан чоп этилган монография ва дарсликларда ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари ва амалий жиҳатлари М.Ш. Шарифхўжаев, С.С. Ғуломов, А.Ш. Бекмуродов, М.С. Қосимова, Г.Н. Ахунова, Ж.Ж. Жалолов, Н.Қ. Д.Ахмедов, А.Ўлмасов, А.Раззоқов, Г.Назарова, Н.Тўхлиев, А.Расулов, Н.Сирожиддинов, И. Иватов, Ф.Қ. Комилова, Д.М. Мухиддинов, Г.Г. Назарова. М.А. Насриддинова, М.Р. Болтабоев, И.С. Хотамов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Бироқ уларнинг илмий ишларида иқтисодийнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари етарлича ишлаб чиқилмаган. Ушбу битирув малакавий ишида иқтисодийнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштириш ва унинг иқтисодий самараси масалалари биринчи бор қўйилмоқда.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Ушбу битирув малакавий ишининг мақсади иқтисодийнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштириш ва унинг иқтисодий самарасини баҳолаш йўллари

кўрсатиб беришдир. Мазкур мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги вазифалар қўйилди ва ҳал этилди:

- ташқи иқтисодий фаолият моҳияти ҳамда уни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг аҳамияти ўрганилади;

- ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари ўрганилади;

- ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилади;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ сиёсати самараси ва солиқ ислоҳотлари тенденциялари кўрсатиб ўтилади;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ имтиёзларини жорий қилиш ҳолати таҳлили қилинади;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўналишлари кўрсатиб берилди;

- назарий ва амалий маълумотларга таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Битирув малакавий ишининг объекти. Битирув малакавий ишида тадқиқот объекти қилиб, Давлат солиқ қўмитаси, жумладан Мирзо Улуғбек тумани ДСИ олинади.

Битирув малакавий ишининг предмети. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштириш, соҳада солиқ имтиёзларини жорий қилиш ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш масалалари тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асоси. Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини Ўзбекистон Республикаси

Қонунлари, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ва стратегиясини ишлаб чиқишга бағишланган асарлари, мамлакатимиз ва чет эллик иқтисодчи олимларнинг ташқи иқтисодий фаолиятда солиқ тизимига оид илмий ишлари ташкил қилади.

Битирув малакавий ишини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси маълумотларидан, Мирзо-Улўғбек тумани ДСИ амалий материалларидан ва бошқа меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги бўлиб, иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизиминини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Ўтказилган тадқиқотнинг назарий ва илмий натижалари иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизиминини такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ва тавсияларда ифодаланади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан “Ташқи иқтисодий фаолиятда маркетинг”, “Халқаро иқтисодий муносабатлар” ва “Жаҳон иқтисодиёти” фанларидан маъруза матнлари ҳамда ўқув қўлланмалари тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, боблар бўйича қисқача хулосалар, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати бўлимларидан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги кўрсатилган, битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари асосланган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти изоҳланган.

Ишнинг биринчи боби “Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизиминини такомиллаштиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари” деб номланган бўлиб, бу бобда ташқи иқтисодий фаолият моҳияти ҳамда уни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг аҳамияти, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси кўриб ўтилган ҳолда боб бўйича қисқача хулоса берилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи боби “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ сиёсатининг макроиқтисодий самараси таҳлили” деб номланган бўлиб, бу бобда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ сиёсати самараси ва солиқ ислохотлари тенденциялари, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ имтиёзларини жорий қилиш ҳолати таҳлили кўрсатиб ўтилган ва боб бўйича қисқача хулосалар бериб ўтилган.

Ишнинг учинчи боби “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўналишлари” деб номланган бўлиб, бу бобда Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда солиқ тизимини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилган ҳамда боб бўйича қисқача хулосалар бериб ўтилган.

Битирув малакавий ишнинг хулоса ва таклифлар бўлимида ишга яқун ясалган ва Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар берилган.

I – Боб. Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари

1.1. Ташқи иқтисодий фаолият моҳияти ҳамда уни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг аҳамияти

Дунё хўжалигининг XX аср охирларидаги фаолиятини ўзига хос хусусиятларидан бири—давлатлар ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатларни янада ривожланиши ва такомиллашишидир. Ҳар бир давлат бу шароитда ўз ташқи иқтисодий фаолиятини ўз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, дунё хўжалигига интеграциялашув жараёнларини, ҳар томонлама ўйлаган ҳолда, ташкил этишга қаратган бўлади.

Ташқи иқтисодий фаолият ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёни бўлиб, ташқи иқтисодий алоқалар – иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида давлат ҳамда унинг субъектлари халқаро ҳамкорлигининг хилма-хил шакллари тизимидир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишни асосий шароитларидан бири бўлмиш – ташқи савдони (экспорт ва импорт жараёнларини) амалга оширишда давлатнинг роли асосан савдо сиёсатини амалга ошириш ва ташқи савдони тартибга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқаришга, қўллашга қаратилган бўлади.

Бу чора-тадбирлар дунё хўжалигида маълум устуворликларга эришишга қаратилган бўлади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш:

- бир томонлама, яъни давлат томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар давлат органлари томонидан савдо бўйича шерик давлатлар билан келишилмасдан ва улар билан маслаҳатлашмаган ҳолда қўлланилади.

Одатда бирор бир давлат томонидан амалга оширилаётган бир томонлама чора-тадбирлар, бошқа давлатлар томонидан худди шундай

тартибда қабул қилинган чора-тадбирларни қарама-қарши ҳолда қўллашга олиб келади.

Бу эса ўз навбатида савдо бўйича шерик давлатлар ўртасида сиёсий зиддиятларни пайдо бўлишига олиб келади, яъни:

- икки томонлама, яъни савдо сиёсати чоралари ўзаро шерик бўлган давлатлар ўртасида келишилган ҳолда амалга оширилади.
- кўп томонлама, яъни давлатларни савдо сиёсатини келишилган ҳолда, кўп томонлама шартномалар асосида амалга оширилади.

Давлатни халқаро савдо жараёнларига аралашуви даражасига кўра халқаро савдо сиёсати протекционистик савдо сиёсатига ҳамда эркин савдо сиёсатига бўлинади.

Протекционистик савдо – тариф ва нотариф усулларни қўллаш орқали ички бозорни чет рақобатчиларидан ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсати.

Эркин савдо – давлатни ташқи савдо жараёнларига аралашувини камайиши, яъни ташқи савдони эркин бозор талаби ва таклифига асосан ривожланиши.

Буларнинг қайси бири қандай афзаликка эга, эга эмаслиги бир биридан устунлиги иқтисодчилар ўртасида кўп йиллар давомида мавжуд бўлиб келган тортишувларнинг асосидир. Ташқи савдо амалиёти тарихида бир савдо сиёсатидан иккинчи савдо сиёсатига ўтиш даврларини кузатиш мумкин.

50-60 йилларда дунё хўжалиги иқтисодиёти учун протекционистик сиёсатидан эркин савдо сиёсатига ўтиш хос бўлган.

70– йилларнинг бошларида эса тескари тенденция, яъни эркин савдо сиёсатидан тарифлар орқали айниқса нотариф усуллари ёрдамида ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсатига ўтиш кузатила бошлади.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, замонавий протекционизм нисбатан тор соҳаларда амалга оширила бошлади. Мисол учун, ривожланган давлатлар ўртасида қишлоқ хўжалиги, текстил саноати ва кийим-кечак ишлаб чиқаришда бўлса, ривожланган давлатлар билан ривожланаётган

давлатлар ўртасида – ривожланаётган давлатларни саноат товарлари экспорти соҳасида.

Протекционистик тенденция тараққиёти протекционизмни бир неча шаклларга ажратиш имконини беради:

- селектив протекционизм – айрим давлатлар, айрим товарларга қарши қаратилган.

- соҳа протекционизми - халқ хўжалигини маълум соҳасини ҳимоя қилиш га (қишлоқ хўжалиги) қаратилган.

- коллектив протекционизм – маълум давлатлар гуруҳи томонидан шу гуруҳга кирмаган давлатларга нисбатан қўлланиладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдир.

Эркин савдо сиёсати яхшими ёки протекционистик савдо сиёсатими?

Бу масала доимо иқтисодчиларни қизиқтириб келган.

Ҳозирги кундаги иқтисодиётни янада глобаллаштириш шароитида иқтисодиётни очиклаштиришига интилиш қонунийдир.

Гарвард университетида 115 та давлат бўйича ўтказилган илмий изланишлар шуни кўрсатадики, ёпиқ иқтисодиёт сиёсатини олиб бораётган давлатларда ички ялпи маҳсулот ҳажмини йиллик ўсиши 0,7% ни ташкил қилган бир пайтда, очик иқтисодиёт сиёсатини олиб бораётганда бу кўрсаткич ўртача 5 марта юқори бўлди. (Албатта очик ташқи иқтисодий сиёсатни олиб боришни яхши ривожланган ва тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар олиб бораётирлар). Лекин ҳозирги кунда протекционизм сиёсатининг баъзи бир тадбирлари барча давлатларда бор. Ривожланган давлатлар учун тариф эскалацияси ўринлидир, яъни хом ашё ва тайёр маҳсулотларга белгиланган импорт божлари ўртасидаги катта фарқ. ГАТТни Уругвай раундидан сўнг ривожланган давлатлар томонидан олиб чиқиладиган хом ашёга белгиланган тариф ставкалари, тайёр маҳсулотларга

белгиланган ставкаларга нисбатан 3,5 баробар кам ва тайёр маҳсулотларга қўйилган ставкаларга нисбатан эса 7,5 баровар кам бўлди.²

Мамлакатимиз Президенти томонидан давлат ва жамият тараққиётининг муҳим стратегик жиҳатлари аниқлаб берилган. Иқтисодий ислохотларни барча соҳаларда янада чуқурлаштириш бўйича қўйилган вазифалар ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни давом эттириш билан узвий боғлиқдир. Бу эса, мамлакат иқтисодиётига чет эл сармояларини кенг равишда жалб қилишни ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келадиган энг қулай қонуний шароитларни яратишни талаб қилади.

Бу соҳада қўйилган илк қадамлардан бири – 1991 йил 14 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонунини қабул қилинишидир.


Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий қоидалари ва бу фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди, бошқача қилиб айтганда, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари қатнашчилари фаолиятларининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Қонун мулкчилик шаклларида қатъий назар, ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мол-мулки халқаро ҳуқуқни ҳамма томондан этироф этилган нормаларига мувофиқ муҳофаза қилиниши таъминлайди, самарали равишда қўшилиши учун ҳуқуқий асос яратиб беради.

Мамлакатнинг иқтисодий равнақи муҳим ўрин эгалловчи Ўзбекистон Республикасининг ушбу қонунида ташқи иқтисодий алоқаларнинг барча турлари яъни иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликка, кадрлар тайёрлашга, ташқи савдо ва чегара савдосига, суғурта, банк,

² Манба: И.С.Хотамов, Г.А.Абдилакимов «Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш» фани (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2012. 9 бет

транспорт операцияларига, сайёҳликка ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги бошқа фаолиятга нисбатан амал қилади.

Ташқи иқтисодий фаолият ташқи савдо сиёсати муҳим ҳисобланади, ташқи савдо сиёсати – ташқи савдо ҳажмини савдо тўсиқлари ёрдамида давлат томонидан тартибга солиш билан боғлиқ макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириш шаклидир.




1.1.1-чизма. Ташқи савдо моҳияти ва шакллари

Манба: Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н. Оммабоп иқтисодиёт: моҳият ва асосий тушунчалар. Илмий-оммабоп нашр. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. - 83 б.

Давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири бу мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича олиб борилаётган сиёсат ҳисобланади. Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кенг кўламли солиқ имтиёзлари тизими яратилган ва шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар

фаолиятини рағбатлантирувчи бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ғарб экспертларининг фикрича, яратилган бундай имтиёзлар тизими МДХ мамлакатлари ичида энг мақбул ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишдан бош мақсад миллий иқтисодиётни турли соҳаларда таркибий ўзгаришларни жадал амалга ошириш, табиий хом ашё ресурсларини замонавий технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш ҳам ички, ҳам ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Солиқлар аҳоли фаровонлиги, корхона ва ташкилотлар фаолиятига кучли таъсир этувчи пул муносабатларини ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун улар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва иқтисодиётни тартибга солишда муҳим роль ўйнайди. Зеро, иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ҳам солиқлар ташқи иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб ҳисобланади. Бу фикрнинг ҳаётийлигини ва солиқларнинг иқтисодиётни тартибга солишда муҳим восита эканлигини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози яққол намоён қилди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида солиқлар салмоғли ўрин эгаллаган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодиёт ва аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, яқка тартибдаги тадбиркорларга солинадиган қатий белгиланган солиқ, айрим корхоналар учун ягона солиқ тўлови, ташқи бозорга мўлжалланган товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи корхоналари учун бошқа айрим солиқларнинг ставкалари пасайтирилди, иқтисодиётнинг устувор соҳалари ва йўналишларида солиқ имтиёзлари кенгайтирилди, солиқ тизимини модернизация қилиш ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.



1.1.2-чизма. Солиқларнинг асосий вазифалари

Манба: Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н. Оммабоп иқтисодиёт: моҳият ва асосий тушунчалар. Илмий-оммабоп нашр. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. - 77б.

Давлат ўзининг фискал сиёсати орқали иқтисодиётни маълум маънода тартибга солади ва унинг ривожланиши учун асосий дастакларидан бўлиб хизмат қилади юқоридаги чизмадан ҳам бунинг қанчалик муҳимлигини кўришимиз мумкин. Солиқлар орқали давлат зарур молиявий ресурсларни бюджетга жалб этади ва солиқларни камайтириш ёки ошириш орқали иқтисодий соҳаларни ривожланишини рағбатлантиради хусусан ташқи иқтисодий фаолиятни. Бюджетга жалб қилинган солиқлар жамиятга керакли дастурларни молиялаштиришга сарфланади. Давлат томонидан ташқи иқтисодий алоқаларни фаол тартибга солиш ўзининг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаётган давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади. Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати кўп жиҳатдан унинг тўлов баланси ҳолатига боғлиқ бўлади. Ташқи иқтисодий сиёсат вақт ва макон жиҳатларини – жорий ва узок муддатли сиёсатни ўз ичига олади. Жорий ташқи иқтисодий сиёсат ташқи иқтисодий фаолиятни тезкор тарзда тартибга солишдан иборат, узок муддатли сиёсат эса йирик миқёсдаги вазифаларни ҳал этади.³

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият соҳасининг йил сайин ривожланиб боришида олиб борилаётган самарали солиқ сиёсатини ҳам асосий омил сифатида кўрсатишимиз мумкин (1.1.1-жадвал) .

³ Манба: Свихунов В.Г. Таможенно-тарифное регулирование внешнеэкономической деятельности. Учеб. пособие. – М.: Экономист, 2004.

1.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси таркиби (жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2010 й	2011 й
Ташқи савдо айланмаси	100	100
Экспорт	58,7	58,8
Импорт	41,3	41,2
Экспорт	100	100
пахта толаси	12,1	9,0
озик-овқат маҳсулотлари	9,7	13,2
кимё маҳсулотлари ва ундан ясалган буюмлар	5,1	5,6
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	22,8	18,5
қора ва рангли металллар	6,9	7,4
машина ва асбоб-ускунвлар	5,5	6,7
хизматлар	10,2	11,8
ва бошқалар	27,7	27,8
Импорт		
озик-овқат маҳсулотлари	10,5	12,4
кимё маҳсулотлари ва ундан ясалган буюмлар	13,8	13,3
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	7,1	8,1
қора ва рангли металллар	8,1	8,1
машина ва асбоб-ускунвлар	44,0	41,3
хизматлар	5,3	5,3
ва бошқалар	11,2	11,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики 2010 йилда ташқи савдо айланмасида экспорт салмоғи 58,7 фоизни ташкил этган бўлса 2011 йилда бу кўрсатки ошган ва 58.7 фоизни ташкил этган, импорт салмоғи эса 2011 йилда 2010 йилга нисбатан камайганлигини яъни 41, 3 фоиздан 41,2 фоизга тушганлигин кўришимиз мумкин. Бу эса мамлакатъимизда олиб борилаётга самарали ташқи савдо сиёсати билан баҳоланади.

1.2. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари

Хар бир давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти ва инвестицион иқлими, аввало сиёсий барқарорликка боғлиқдир. Худди мана шу нарса хорижий сармоядор учун ҳам ташқи бозорга товар ва хизматлар экспорт ёки импорт фаолияти билан шуғулланувчи корхона учун ҳам ўз фаолиятини режалаштиришда ёрдам беради. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолияти ва сармоявий иқлимнинг энг муҳим аҳамияти ҳам шундадир, чунки ҳозирги кунда бутун Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистон сиёсий жihatдан барқарор бўлган давлат ҳисобланади. Мустақиллик йиллари давомида ташқи иқтисодий фаолият ва хорижий сармоядорлар билан ташкил этилган корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишда жуда катта ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда ташқи сиёсатга доир тамойилларимизни белгилаб берувчи конституциявий қоидаларга асосланган ҳолда, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисидаги», «Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги» қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 ноябр 1996 йилдаги «Хорижий сармоядорлар билан биргаликда тузилган корхоналарга бериладиган қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2 июн 1997 йилдаги 336 - сонли «Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоядорлар билан биргаликда корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарори ташқи иқтисодий фаолиятни ва чет эллик сармоядорлар учун қулай шароитларни яратиш ҳамда хорижий мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо иқтисодий алоқаларни кенгайтириш имконини бермокда. Бундан ташқари, хорижий сармоядорларнинг республикамизга келишишини эркинлаштириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 21 ноябр 1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикасига келадиган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги

бўлмаган шахсларни мамлакатимизга келиши ва кетиши тартиби тўғрисида»ги Қарори, «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2012 йил 10 апрель) Фармони мамлакатимиз сармоявий иқлимига ижобий томондан қарашга имкон беради.

Солиқ сиёсати мамлакатда солиқ муносабатлари, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан давлатнинг ўзаро манфаатлари, солиқлар билан бюджетнинг ўзаро муносабатларининг энг мақбул мувозанатини тامينлайдиган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, маънавий асосларини шакллантириш, амалга ошириш, такомиллаштириб бориш ишларини йўналтирувчи ғоялар, қарашлар, ёндашувлар тизимидир. Ўзбекистоннинг мустақил солиқ сиёсати мамлакат мустақилликка еришгандан сўнг шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати ва солиқ тизимининг шаклланишида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1991 йил 12 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари тўрисида”ги қарори муҳим роль ўйнади. Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати ва солиқ тизимининг шаклланиши ва ривожланиши бир қатор босқичларни босиб ўтди. Биринчи босқичда (1991-1994 йиллар) бу соҳада қуйидаги вазифалар қўйилган еди:

- бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мос янги солиқ тизимини ташкил этиш ва жорий қилиш;
- шаклланаётган иқтисодий вазиятга сезгир муносабат билдириш, солиқ қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- ишлаб чиқаришнинг пасайиши, корхоналарнинг зарар кўриб ишлаши, юқори инфляция шароитида бюджетни маблағ билан тامينлаш;

-молиявий маблағларни ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, стратегик ресурсларни туб таркибий ўзгаришлар фойдасига қайта тақсимлаш;

-нархлар ўсиши ва ишлаб чиқариш пасайиши шароитида аҳоли турмуш даражаси ва ижтимоий барқарорликни сақлаб туриш;

-солиқларни ундириш, солиқ қонунчилигининг бажарилиши ва солиқ назоратини тامينлайдиган давлат солиқ хизматини шакллантириш.

Бундай вазифаларни ҳал этиш зарурлиги солиқ тизимининг шаклланиши ва фаолиятининг биринчи босқичига хос хусусиятларини белгилаб берди. Бу даврда солиқларнинг фискал ва қайта тақсимлаш функциялари етакчи бўлди.

Инфляция ва бюджет камомади шароитида солиқларни тартибга солиш (иктисодий) функциясидан ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш эмас, балки тор доирада қисқа муддатли вазифаларни ҳал этишда фойдаланилади.

Солиқ сиёсатининг бундай хусусияти ўтиш даврини бошидан кечираётган янги мустақилликка эришган мамлакатларга хос объектив жараён эканлиги кузатилади. Бу босқичда солиқ юкининг асосий қисми юридик шахслар зиммасига тушди. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш бир қадар имтиёзли тусда кечди. Мазкур босқичда қўшилган қиймат солиғи жорий этилди.

Иккинчи босқичда (1995-1996 йиллар) бозор иқтисодиёти тамойилларига жавоб бермайдиган солиқ ва тўловлар чиқариб ташланди, ўз маблағларини янги технологияларга ва ишлаб чиқаришни қайта қуришга сарфлайдиган корхоналар учун бир талай имтиёзларни кўзда тутувчи даромад солиғи жорий қилинди, қўшилган қиймат солиғи ставкаси пасайтирилди, икки ва ундан ортиқ даромад манбаига эга бўлган жисмоний шахслар даромадларини декларатсиялашга дастлабки қадамлар қўйилди. Бу босқичда солиққа оид амал қилиб турган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар негизида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилинди. У солиқ сиёсати ва солиқ тизимининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Унга таянган ҳолда ҳар қандай тадбир, иш, фаолият илгаридан белгиланиб, аниқланиб, режалаштирилиб ишлаб чиқилган чора-тадбирлар амалиётга солиқ сиёсатини

ишлаб чиқиш билан жорий этила бошланди. Шу тариқа давлатнинг илгаридан режалаштириб, аниқлаб туриб амалга оширган чора-тадбирлари йиғиндиси солиқ сиёсатида ўз аксини топди. Солиқ тизимини шакллантириш борасидаги ишларни ташкил қилиш солиқ сиёсати доирасида олиб борилади. Солиқлар пул муносабатларининг ҳаракати доирасида юзага келади ва у молия муносабатларининг таркибий қисми бўлиб, бозор муносабатларининг ҳам зарурий қисми ҳисобланади. Шунинг учун солиқ сиёсати иқтисодийни барқарорлаштириш ва ривожлантириш, молия муносабатларини бошқаришга катта таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, солиқ сиёсати амалда давлатнинг солиқ муносабатлари доирасидаги қонун, фармон, қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилиш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш фаолияти мажмуидир.


Ўзбекистонда солиқларнинг ҳуқуқий асосларини солиқ қонунчилиги ташкил этади. Солиқ қонунчилиги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи бўлиб, солиқ муносабатларини тартибга солиб туради. Солиқ қонунчилигини Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид қонунлар, қарорлар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар ташкил этади. Солиқ қонунчилигининг асоси Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳисобланади. Солиқ кодекси солиқ соҳасидаги ҳуқуқий меъёрлар мажмуи ҳисобланади. Ушбу кодекс солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек, солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги кодекс) Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил ноябрда қабул қилинган бўлиб, 2008 йил 1 январдан кучга киритилди. Солиқ кодекси 2 та қисм, 21 та бўлим, 64 та боб, 392 та моддадан иборат. Унинг биринчи қисми "Умумий қисм" деб аталади ва тўртта бўлим, 18 та боб, 125

та моддани ўз ичига олади. Бу қисмда солиқлар ва солиққа тортишнинг умумий ва асосий қоидалари, Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими, мазкур кодекс билан тартибга солинадиган муносабатлар, солиқлар тўғрисидаги қонунчилик, унинг амал қилиши ва асосий тамойиллари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, солиқ мажбуриятларини бажариш, солиқ назорати, солиққа оид ҳуқуқ бузарлик учун жавобгарлик тавсифланган. Солиқ кодексининг иккинчи қисми "Махсус қисм" деб аталади ва қолган ын еттита бўлим, 46 та боб, 267 та моддани ўз ичига олади. V-XXI бўлимлари алоҳида солиқ ва мажбурий тўловларга бағишланган. Солиқ кодексининг таркиби 1.2.1-чизмада келтирилган.⁴

Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва уни тартибга солишда солиқлар муҳим аҳамиятга. Жаҳон цивилизациясига кенг кўламда интеграциялашуви, иқтисодиётимизга сармояларни олиб кирилиши ва ташқи иқтисодий фаолиятни раҳбантлантиришда албатта солиқ тизимининг такомиллаштирилиб ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистонда "очиқ эшиклар" сиёсати олиб борилмоқда, хорижий сармоядорларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун ишончли ҳуқуқий кафолатлар ва кенг иқтисодий имкониятлар берилмоқда. Хорижий сармоялар учун энг қулай тартиблар яратилган ва улар муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Чет эл сармояси иштирокида ишлаб чиқариш корхоналари очиш жараёни мумкин қадар осонлаштирилган.

Республикада қабул қилинган қонунлар ва қонун асосидаги ҳужжатлар, чет эл фирмалари ва компаниялари Ўзбекистон бозорларида фаол иштирок этиш учун солиқ соҳасидаги имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларининг сиёсий ва тижорат соҳасидаги хавф-хатарлардан кафолатларнинг яхлит тизимини, қулай қонуний шароитларни яратиб берилмоқда ва бу соҳани янада ривожлантириш мақсадида ислоҳотлар олиб борилмоқда.

⁴ Манба: Hamroyev H.R. Soliqlar va soliqqa tortish. Darslik. Buxoro Davlat universiteti, Buxoro, 2010, 20 bet.



1.2.1-Чизма. Солиқ кодекси таркиби

Манба: Намроев Н.Р. Soliqlar va soliқqa tortish. Darslik. Buxoro Davlat universiteti, Buxoro, 2010, 280 bet.

1.3. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси

Хорижий мамлакатларда хусусан ривожланган давлатларда ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолият билан шуғулланувчи корхоналарини солиқлар орқали ривожлантириш ва тартибга солишда катта ижобий ютуқларга эришилган. Бинобарин, бу соҳани ривожлантириш бозор иқтисодиётига ўтаётган ва ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Ривожланган Ғарб ва Шарқ, мамлакатларида, чунончи, Италия, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ундан ташқари Америка Қўшма Штатлари каби давлатларда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналар солиқ имтиёзлари яратилганлиги бу соҳанинг мамлакат иқтисодиётининг асосий бўғини бўлиб ҳисобланшида катта аҳамиятга эга.

Америка Қўшма Штатларининг солиқ тизими. АҚШда федерал даражада Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ўхшаш махсус солиқ органи- Солиқларни йиғиш бошқармаси (Ай-ЭР-ЭС) тузилган. Мамлакатнинг барча эллик штатида унинг ваколатхоналари ташкил этилган. Лекин улар билан бир қаторда ҳар бир штатнинг ўз солиқ хизмати тузилган бўлиб, бу хизматлар Ай-ЭР-ЭС га бўйсинмайди ва мустақил фаолият олиб борадилар. Бундай солиқ хизматлари фақат ўз штати бюджетини тўлдириш билан шуғулланадилар. Ҳар бир штатнинг ўз ички солиқ тизими ва қоидалари мавжуд. Америка Солиқларнинг йиғиш бошқармаси (Ай-ЭР-ЭС) нинг ўзида 102 мингдан ортиқ ходим ишлайди. Унинг харажатлари йиғилган солиқларнинг 1 фоизини ташкил этади. Штатлардаги солиқ идоралари харажатлари эса ундан ҳам каттароқ 2-3 фоизга етади.

АҚШда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учта бюджетга тақсимланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг 68 фоизи федерал бюджетга, 20 фоизи штатлар бюджетига ва 12 фоизи маҳаллий бюджетга тушади. Федерал бюджетга тушадиган тушумларнинг асосий қисми 46 фоизи шахсий даромад

солиғига тўғри келади. Бу солиқ 1913 йилда жорий этилган бўлиб, уй хўжаликлари ва корпорациялашмаган якка эгаликдаги корхоналардан ундирилади. Унга 15 фоиз ва 28 фоизли икки даражали ставка белгиланган. Аммо яна беш фоизли яширин қўшимча ставка ҳам қўлланилади. Масалан, оилада икки киши ишлаб оладиган йиллик умумий даромадларининг 29750 долларигача миқдоридан 15 фоиз, ундан юқори ва 71900 долларигача миқдоридан 28 фоиз, ундан юқори ва 149250 долларигача миқдоридан 33 фоиз, ундан юқори суммасидан яна 28 фоиз даромад солиғи ҳисобланади ва ундирилади. Мазкур солиқ бўйича айрим чегирмалар ва имтиёзлар ҳам қўлланилади.

Федерал бюджети тушумларида иккинчи ўринни ижтимоий суғурта тўловлари эгаллайди ва унинг улуши 35 фоизга етади. Бу тўлов мажбурий ижтимоий суғурталаш режаси доирасида иш берувчилардан ҳам, ёлланма ишчилардан ҳам ундирилади. Унинг ставкаси иш ҳақи фондидан 75 фоиз. Учинчи ўринни корпоратсиялар фойда солиғи эгаллайди ва федерал бюджети тушумларининг 13 фоизини ташкил этади. Уни корпоратсиялашган (жамоа бошқарувига асосланган) корхона ва ташкилотлар ўз фойдасидан тўлайдилар. Бу солиқнинг ставкаси 34 фоиз. АҚШда ҳам айрим товарларга акциз солиғи қўлланилади ва бу солиқнинг федерал бюджетдаги улуши 4 фоизни ташкил этади.

Штатлар бюджетида асосий ўринни сотишдан солиқ ва акциз йиғимлари эгаллайди ва уларнинг улуши штатлар бюджети тушумларининг 49 фоизини ташкил этади. АҚШда экспорт салоҳиятини ошириш ва халқаро рақобатбардошликни юксалтириш мақсадида қўшилган қиймат солиғи қўлланилмайди, лекин унинг ўрнида унга ўхшаш сотишдан солиқ амал қилади. Штатлар бюджети тушумларининг 31 фоизини шахсий даромад солиғи, 8 фоизини корпоратсиялар фойда солиғи, 2 фоизини мулк солиғи, 1 фоизини мерос ва ҳадя солиқлари, қолган 9 фоизини лицензия, виза йиғимлари ва бошқа тўловлар ташкил этади.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари бюджетига мамлакатда йиғиладиган жами солиқлар ва бошқа тўловларнинг 12 фоизи тушади. Бу тушумларнинг 74 фоизини мулк солиғи, 11 фоизини сотишдан солиқ ва акцизлар, 6 фоизини шахсий даромад солиғи ва корпоратсиялар фойда солиғи, 8 фоизини лицензия, виза йиғимлари ва бошқа тўловлар ташкил этади.

Ҳар йили 1-январдан 1-апрелгача барча америкаликлар солиқ органларига ўз даромадлари тўғрисида декларация тақдим этадилар. Солиқ тўловчининг ҳисоботи (декларацияси) тўлиқ ёки аниқ бўлмаса, даромадини яширгани аниқланса, у катта муаммолар ва чиқимларга дуч келади. Чунки мамлакатда солиқ қонунчилигини бузиш оғир жиноят ҳисобланади ва буни ҳамма яхши билади. Бундан ташқари, ҳар йили 15-апрел мамлакат бўйлаб солиққа доир ҳакамлик куни деб белгиланган. Бу кун арафасида бутун аҳоли қандай қилиб солиқларни ортиқча тўламаслик ва солиқлардан қарз бўлиб қолмаслик мумкин деган ўйлов ва ҳаяжонда бўлади. Шу куни эса шу вақтгача аниқ бўлмаган масалалар ҳал қилинади. Бундан ташқари, АҚШда ихтисослашган бухгалтерия фирмалари солиқлар бўйича маслаҳат бериш, ёрдам кўрсатишда муҳим роль ўйнайди. Уларнинг хизматларидан ўн минглаб америкаликлар фойдаланадилар.⁵

Буюк Британия солиқ тизими. Буюк Британияда жисмоний шахслар даромад солиғи 1799 йилда жорий этилган. 1960 йилдан бошлаб ишлайдиганларнинг ҳаммаси солиқ тўлайдиган бўлди. Ҳозирги вақтда йилига 2090 фунт стерлинггача даромаддан 10 фоиз, 2090 фунтдан 32400 фунтгача даромаддан 25 фоиз, ундан юқори даромаддан 40 фоиз ставка билан солиқ тўлайдилар. Бу мамлакатда энг қадимий солиқ-герб божи (йиғими) ҳисобланади (унинг жорий этилганига 300 йилдан ошган). Деярли барча ҳужжатларда герб божи тўланганлигини тасдиқловчи тамға бўлиши керак. Унинг ставкаси айрим битимлар учун 0,25 дан 2 фунт стерлинггача,

⁵ Манба: Йўлдошев А. Солиқ ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Т., Фан ва технология, 2007.

айрим ҳолларда эса битим суммасидан 1-3 фоизгача бўлади. Унвон олиш, айрим хусусий фаолиятга рухсат олиш, қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар, дори-дармонлар, ўйин карталаридан ҳам герб йиғими (божи) олинади. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш мақсадида денгиз кемалари билан битимлар бу солиқдан озод қилинган.

Барча компаниялар корпорация солиғи тўлайдилар. Унинг асосий ставкаси 30 фоиз бўлиб, йилига 300 минг фунт стерлинггача фойда оладиган фирмалар учун 20 фоизли имтиёзли ставка белгиланган. Фойдаси 300 мингдан 1,5 миллион фунт стерлингга етадиган ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи компаниялар учун ставка 20 фоиздан 30 фоизгача бўлган ораликда мутаносиб равишда белгиланган.

Буюк Британияда қўшилган қиймат солиғи ставкаси 17,5 фоиз бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг кўп турлари, сув, даврий нашрлар, дори-дармонлар, транспорт хизматлари, болалар буюмлари бу солиқдан озод қилинган. Соғлиқни сақлаш, ижтимоий таминот, суғурталаш, банк ва талим муассасалари қўшилган қиймат солиғини буюджетдан қоплай олмайдилар ва уни харажатларга киритадилар. Бу мамлакатда ҳам айрим товарлар-алкоголли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, нефт маҳсулотлари, қимор ўйинлари, самолёт қатнови, автотранспорт хизматлари ва бошқалар аксиз солиғига тортилади.

Франсия солиқ тизими. Франсияда солиқ ундириш декларацияга асосланган. Корхоналар ва жисмоний шахслар 1-апрелгача йиллик даромадлари тўғрисида солиқ органларига декларация тақдим этадилар. Корхоналарнинг соф фойдаси ва жисмоний шахсларнинг даромадлари солиққа тортилади. Даромад солиқлари умумий ҳажмида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи асосий ўрин эгаллайди. Қўшилган қиймат солиғи алкоголли ичимликлар, пиво ва шифобахш сувлар, тамаки маҳсулотлари, гугурт, қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмлар, шакар, қандолат маҳсулотлари, учиш аппаратлари, айрим автомобилларга қўлланилади. Унинг асосий ставкаси 18,6 фоиз бўлиб, автомобил, кино-

фото товарлари, тамаки маҳсулотлари, атир-упа, қимматбаҳо мўйналарга 22 фоиз, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, китоблар, дори-дармонлар учун 5,5 фоиз қилиб белгиланган. Маҳаллий солиқларга ер солиғи, турар жой солиғи, мутахассислик солиғи киради. Ёши 75 дан ошган шахслар, махсус нафақа олувчилар, кам таминланган шахслар ва ногиронлардан солиқ ундирилмайди. Маҳаллий ҳокимият электр энергия, телевизион рекламалардан фойдаланганлиги учун йиғимлар жорий этиши мумкин.

Германия солиқ тизими. Германияда даромад солиғининг 42,5 фоизи федерал бюджетга, 42,5 фоизи муниципал (ерлар) бюджетига ва 15 фоизи маҳаллий бюджетларга тушади. Корпорация солиғига иккита ставка белгиланган бўлиб, бу солиқ федерал ва ерлар бюджетларига тенг тақсимланади. Тадбиркорлик фаолиятдан маҳаллий бюджетларга солиқ ундирилади. Хунармандчилик солиғини корхоналар, ширкатлар, хунармандчилик, савдо ва бошқа фаолиятлар билан шуғулланувчи фуқаролар маҳаллий бюджетга тўлайдилар. Ер майдонлари муниципалитетлар томонидан тоифаларга ажратиб, уларга мувофиқ солиқлар белгиланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида саноат корхоналари ва компаниялар 0,6 фоиз солиқ жорий қилинган, жисмоний шахслар еса 1 фоиз мулк солиғи тўлайдилар. Қўшилган қиймат солиғининг улуши 28 фоиз бўлиб, даромад солиғидан кейин иккинчи ўринда туради ва у ҳам уч бюджетга тақсимланади. Унинг умумий ставкаси 15 фоизни, лекин асосий озиқ-овқат товарлари, китоблар ва газеталарга 7 фоизни ташкил этади. Қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари маҳсулотлари, экспортга жўнатиладиган товарлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган.

Япония солиқ тизими. Японияда давлат солиқ тушумларининг тахминан 60 фоизи бевосита солиқларга ва 40 фоизи билвосита солиқларга тўғри келади. Япония солиқ тизимида енг асосий, йирик солиқлар еттита бўлиб, улардан тўрттаси бевосита солиқлар-жисмоний шахслар даромад солиғи, корпорациялар фойда солиғи, мерос солиғи, ер солиғи ва учтаси

билвосита солиқлар-истемол солиғи, аксиз солиғи, транспорт солиғи ҳисобланади.

Корпорациялар фойда солиғи ставкаси тақсимланадиган фойданинг 42 фоизини ташкил этади. Лекин дивидендлар солиқдан қисман озод қилинади. Фойдаси 8 миллион иенадан ошмайдиган кичик ва ўрта корхоналар учун имтиёзли ставкалар белгиланган.

Японияда пенсионерлар узлуксиз кўпайиб бормоқда, улар солиқ тўламай бюджет ёрдамидан фойдаланадилар. Шунинг учун ортиб бораётган бюджет харажатларини қоплаш мақсадида 1989 йилда истемол солиғи жорий этилган. У кўшилган қиймат солиғига яқин бўлиб, ставкаси префектуралар бўйича фарқ қилади-Токиода 5 фоиз бўлса, бошқа кўпчилик префектураларда 3 фоизни ташкил этади. Лекин сотиш ҳажми 30 миллион иенагача бўлган кичик бизнес вакиллари бу солиқдан тўла озод қилинган.

Японияда маҳаллий солиқлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга тадбиркорлик солиғи, корпоратив муниципал солиғи, баробарлаштирадиган солиқ киради. Тадбиркорлик солиғи солиққа тортиладиган фойдадан ҳисобланади ва уч ставка бўйича ундирилади. Бу ставкалар префектуралар бўйича ҳар хил-Токио учун у компания устав капитали ва фойдаси миқдorigа қараб 6 фоиздан 12,6 фоизгача белгиланган.

Корпоратив муниципал солиғи префектура ва шаҳар солиқлари йиғиндисидан иборат. Унинг ставкаси жойига қараб фарқ қилади. Лекин умуммиллий солиқ суммасидан ҳисоблаб чиқилладиган солиқ энг юқори ставкаси префектура солиғи учун 6 фоиз ва шаҳар солиғи учун 47 фоизни ташкил этади.

Баробарлаштирадиган солиқ тўланиши керак бўлган белгиланган суммадан иборат бўлади. Унинг 50 минг иенадан 3750 минг иенагача бўлган миқдори юридик шахс капиталининг миқдори ва ишловчилар сонига боғлиқ ҳолда белгиланади. Бу солиқ шаҳар ва префектура ўртасида 4:1 нисбатда тақсимланади.

Япониянинг солиқ тизими солиқ декларацияси тамойилига асосланган. У солиқ тўловчилардан ўз даромадлари ва солиқларини ўзлари ҳисоблаб чиқаришларини талаб қилади. Японияда солиқ тўловчиларни уч гуруҳга бўладилар. Биринчиси, катта ишонч қозонган тўловчилар бўлса, иккинчиси, солиқ идоралари томонидан ҳар уч - беш йилда, учинчиси эса ҳар йили текшириб туриладиган солиқ тўловчилардир.

Мамлакатда солиқ маъмурияти (органлари) Молия вазирлиги таркибидаги Солиқ бош бошқармаси, 12 та минтақа солиқ бошқармаси, 528 та солиқ инспекциясидан иборат бўлиб, уларда 57 мингдан ортиқ ходим ишлайди.

Россия Федератсиясининг солиқ тизими. Россия Федератсиясида асосан фискал вазифагаи давлат бюджети дефицитини бартараф этишга йўналтирилган солиқ тизими амал қилади. Бу тизим 2002 йилдан бошлаб янги йўналишда ривожланмоқда: ижтимоий солиқ жорий этилди, жисмоний шахслар даромадларига 13 фоизли ягона ставка белгиланди, янги солиқ имтиёзлари тадбиқ этилди ва бошқа ўзгаришлар киритилди. Натижада ягона солиқ макони ва бу маконда ягона солиқ қонунчилиги тикланди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тушумларининг асосий қисмини (70 фоизга яқин) юридик шахсларнинг фойда солиғи, истемол солиғи (қўшилган қиймат солиғи) ва ижтимоий суғурта бадаллари ташкил этади. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар учта бюджетга-федерал бюджет, республика (вилоят, ўлка) бюджети ва маҳаллий бюджетга тақсимланади. Лекин уларни тақсимлашда ҳам муаммолар мавжудлигидан ташқари солиқ тизими ижтимоий-иқтисодий ривожланиш асосий пропорсияларини, уларнинг негизи бўлган меҳнат унумдорлиги ва истемол ўртасидаги ўзаро мувофиқликни етарли даражада таъминлай олмаслиги танқид қилиб келинади.

Италияда 1992 йилда қабул қилинган молиявий қонун янги иқтисодий сиёсатда хусусийлаштиришни биринчи ўринга чиқариб қўйди. Хусусийлаштириш шакллари ҳар бир ҳолатда алоҳида


танланадиган бўлди. Фойда кўрадиган банклар, суғурта компанияларини ва саноат корхоналарини ташкилий жихатдан қайта кўриб чиқмасдан дарҳол сотувга чиқариш, зарар келтирадиганларини эса олдин қайта ташкил этиш сиёсати белгиланди.

Ислохотлар туфайли янги шаклдаги корпорация - кўп тармокди инвестицион компания ташкил топди. Шунингдек молиявий ҳисоб-китоб тизими секин аста замонавийлашди, янги молиявий усуллар муомалага киритилди. Кенгрок доирадаги компанияларни, айниқса кичик ва ўрта компанияларни фонд биржасига жалб этиш мақсадида корпорациялардан олинадиган солиқ 36%дан 26%гача туширилди.⁶

Хўжаликдаги ислохотлари урушдан кейинги ҳамма даврларда амалга оширилган бўлиб, улар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи саноат корхоналари, кичик ва ўрта тадбиркорликни куллаб-қувватлашга қаратилган. Бунда асосий эътибор кичик фирмалар капиталини кўпайтириш, Илмий тадқиқот тажриба ва конструкторлик ишларини рағбатлантириш, асбоб-ускуналар харид қилиш ва фирмалараро кооперацияни ривожлантириш чоратадбирлари аниқлаб берилди. 1991 йилда қабул қилинган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги асосий қонун ушбу секторга нисбатан давлат сиёсати тамойилларини белгилаб берди. «Тремонтни қонуни» (1994 й) ҳам кичик тадбиркорликни тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. У уз фаолиятини бошлаётган фирмалар учун солиқ, даражасини камайтириш ҳамда реинвестицияда қатнашадиган капитал буйича ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни солиқдан озод қилиш орқали кичик ва ўрта корхоналарди ишлаб чиқаришни юксалтириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва бандлиликни оширишга қаратилган эди. Экспорт қилинадиган кредитларни суғурта

⁶ Манба: Юткина Г.Ф. Налоги и налообложение. М., ИНФРА-М, 2009.

қилиш тизимини белгилаб берган «Оссол қонуни» (1977 й.) ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.⁷



1.3.1-расм. Жаҳондаги айрим давлатларда ўртача солиқ юки даражаси

1.3.1-расмдан кўринадикки, аксарият ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатларда, солиқ юки даражаси 29-50 фоизни ташкил этаётганини кўриш мумкин. Хусусан, энг ривожланган давлатлар ҳисобланган АҚШ, Италия ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ИХРТга аъзо аксарият Европа иттифоқи давлатларида солиқ юкининг даражаси республикамиздаги даражадан анча юқори. Ҳозирги кунда Италия, Греция, Исландия давлатларида бюджет тақчиллиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўли сифатида солиқ юкини оширишга оид таклифларнинг ушбу давлатларнинг парламентлари томонидан маъқуллангани жаҳон бозори конъюктурасига жиддий таъсир этиши башорат қилинмоқда.⁸

⁷Манба: Hull. M., -“Options, Futures, and Monetary Policy” \ Journal of political Economy. Milan 2008.

⁸ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги bosқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 62 бет.

Биринчи боб бўйича қисқача хулоса

Ташқи иқтисодий фаолият ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёни бўлиб, ташқи иқтисодий алоқалар – иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида давлат ҳамда унинг субъектлари халқаро ҳамкорлигининг хилма-хил шакллари тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими-бу давлат томонидан белгилаб қўйилган солиқлар ва бошқа мажбурий тыловлар, уларнинг турлари ва шакллари, ундириш механизми, солиқ қонунчилиги, мажбурияти, назорати, тўловчилари ва ундирувчилари мажмуидир. Юқорида айтиб ўтилганидек, солиқлар-юридик ва жисмоний шахслардан давлат бюджетига ундириладиган мажбурий тўловдир. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизими унинг ҳуқуқий асослари муҳим ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда хусусан ривожланган давлатларда ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолият билан шуғулланувчи корхоналарини солиқлар орқали ривожлантириш ва тартибга солишда катта ижобий ютуқларга эришилган. Бинобарин, бу соҳани ривожлантириш бозор иқтисодиётига ўтаётган ва ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Ривожланган Ғарб ва Шарқ, мамлакатларида, чунончи, Италия, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ундан ташқари Америка Қўшма Штатлари каби давлатларда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналар солиқ имтиёзлари яратилганлиги бу соҳанинг мамлакат иқтисодиётининг асосий бўғини бўлиб ҳисобланшида катта аҳамиятга эга.


**II-Боб. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини
ривожлантиришда солиқ сиёсатининг макроиқтисодий самараси
таҳлили**

**2.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятни
ривожлантиришда солиқ сиёсати самараси ва солиқ ислохотлари
тенденциялари**

Республикаимиз мустақилликни қўлга киритганидан бошлаб Юртбошимиз ташаббуси билан узокни кўзлаб амалга ошириб келинаётган ислохотлар замирида аввало инсон манфаати мужассам эдики, буни бугун бошқа соҳалар каби ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда ҳам самарали солиқ сиёсати олиб борилаётганлигини кўриб турибмиз. Ўтган давр мобайнида давлат бош ислохотчи тамойилига амал қилинган ҳолда жорий этилаётган ислохот ислохот учун эмас, инсон учун деган мантиқ асосида соҳада тубдан ўзгаришлар амалга оширилди.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда мустақил солиқ сиёсати ишлаб чиқилди, унинг тактика ва стратегияси аниқланиб, изчил такомиллаштирилиб борилмоқда. Юртбошимиз томонидан миллий солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилдики, унинг асосий мақсади солиқ тўловчилар ва давлат бюджети манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлашга қаратилган. Бундай уйғунликни таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири солиқ юкини оптимал белгилаш ва шу тариқа давлат бюджетини керакли миқдорда молиявий ресурслар билан таъминлаш билан бирга, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ мажбуриятлари уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этмаслигига эришишдан иборат. Кейинги йиллардаги солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида солиқ юкини мунтазам камайтириб бориш тенденцияси кузатилмоқда, ушбу ҳолат 2011 йилда ҳам кузатилди ва иқтисодиётга ижобий таъсир этди.

ЯИМ га нисбатан солиқ юкининг ўзгариши динамикаси



2.1.1-расм. ЯИМга нисбатан солиқ юкининг ўзгариш динамикаси.


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузили

Расмдаги маълумотлардан кўринадикки, солиқ юки даражаси Юртимизда изчиллик билан камайиб бормоқда. Агар ушбу кўрсаткич 2002 йилда ЯИМга нисбатан (мақсадли жамғармаларни ҳисобга олмаган ҳолда) 27,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб тўрт пунктга (23,2 фоиз), 2011 йилда эса 6 пунктга камайди ва ЯИМга нисбатан 21,9 фоизни ташкил этди.

Солиқ юкини иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда камайтириб бориш ўз самарасини берди. Миллий бозорни маҳаллий товарлар (хизмат, иш)лар билан тўлдираётган, экспортга маҳсулот чиқараётган, ички ва ташқи инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб қилаётган, шунингдек, кичик бизнес субъектлари шаклидаги солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларининг кенгайтирилишига қарамасдан, ялпи ички маҳсулот ва давлат бюджетининг даромадлар ҳажмида йил сайин ўсиш таъминланмоқда. Солиқ юкининг камайиши нафақат умумий ҳажмда, шунингдек, унинг таркиби бўйича ҳам сезиларли равишда кўзга ташланмоқда.

Солиқ юки даражасининг солиқ турлари бўйича камайиш тенденциясини охириги ўн йил бўйича кўрадиган бўлсак, 2000 йилда бевосита солиқлар бўйича 7,8 фоиздан 2011 йилга келиб 5,8 фоизга, билвосита

солиқларга нисбатан солиқ юки 16 фоиздан 10,6 фоизга, шунингдек, ресурс солиқлари бўйича ҳам камайиб 4,7 фоиздан 3,9 фоизгача камайган. Республикада солиқ юкининг камайиши бу фақат айрим солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларининг камайтирилиши, солиқ имтиёзларининг кенгайтирилиши эвазига эмас, балки ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётда кенг қамровли таркибий ўзгартиришларни таъминлайдиган аниқ мақсадли давлат дастурларини изчиллик билан амалга ошириш ҳисобидан солиқ тушумларига нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражаси ўртасидаги юқори фарқнинг вужудга келтирилиши билан изоҳланади.



2.1.2-расм. Ўзбекистонда солиқ юкининг таркибий тузилиши (ЯИМга нисбатан, фоизда).

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 62 бет.

Охириги уч йил давомида бюджет даромадлари ўртача 3 триллион сўмга кўпаётган бўлса, ялпи ички маҳсулот реал ҳажмининг ўсиши ўртача 20 триллион сўмни ташкил этмоқда, яъни ўртада 6 баробардан ортиқ фарқ бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ҳисобидан қўшимча солиқ манбалари вужудга келмоқда. Пировардида солиқ юки вертикал хусусиятдан горизантал йўналишга эга бўлди ҳамда унинг солиқ тўловчилар фаолиятига салбий таъсири камайиб борди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳануз давом

этаётган бир шароитда аксарият давлатларда солиқ юки даражаси ўртача даражадан юқорилигича сақланиб қолмоқда.⁹



2.1.3-расм. Ўзбекистон Республикасининг йиллар давомида асосий солиқ ставкалари динамикаси

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

Юқоридаги расм маълумотларидан кўришиб турганидек мамлакатимизда 2000 йилда юридик шахслар даромад (фойда) солиғи 31 фоизни ташкил этган бўлса 2002 йила келиб бу кўрсаткич 24 фоизни, 2005 йилда эса 15 фоизни, 2008 йилда 10 фоизни ва 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 9 фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин яъни 2000 йилга нисбатан 2012 йилда қарийб 3,5 баробарга камайганлигини кўришимиз мумкин.

⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 62 бет.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва ягона ижтимоий солиқ ҳам ўтган йилларга нисбатан тобора камайиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида энг асосий соҳаларидан бири ташқи иқтисоджий фаолиятни ривожлантириш ҳисобланади. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейин тикланаётган Япония иқтисодиёти учун машинасозлик етакчи соҳа сифатида ривожлантирилган эди. Бу соҳа Япония иқтисодиётини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Бу энг аввало, унинг мамлакатга чет эл валюта тушумларини олиб келишда намоён бўлди. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият ана шундай асосий соҳа вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида солиқларнинг ўрнини белгиловчи асосий омиллардан яна бири - ҳозирги кунда кўпайиб бораётган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг даромадларини жалб қилувчи мукамал солиқ тўловини юзага келтириш.

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши хусусий тадбиркорлик фаолияти кенг кулоч ёйиши ва хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашуви, тадбиркорлар даромадини ҳисобга олишни қийинлаштиради. Хусусийлаштирилган битта корхона ўрнида ўнлаб кичик, хусусий ва жамоа мулкига асосланган корхоналар пайдо бўлади. Мукамал солиқ механизми яратилмаганлиги учун даромадлар суммасини аниқлашда жиддий хатоликларга йўл қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сонли қарорига мувофиқ кичик корхоналар учун умумий белгиланган тартибдаги солиқлар ўрнига бюджетга ихчамлаштирилган солиқ тўлаш имконияти вужудга келди. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда ихчамлаштирилган солиқ тизимининг жорий қилиниши бу тадбиркорлар учун давлат томонидан кўрсатилган катта ёрдам бўлди.

Солиқ сиёсатини амалга оширишда муҳим бир мезон бўлиб солиқ ставкалари иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши бевосита талаблар йиғиндисига таъсир қилади. Истеъмолнинг ҳам, инвестицияларнинг ҳам ҳажми солиқларнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади. Масалан, бюджетга солиқ тушуми камайиб, давлат харажатлари аввалгича қолган пайтда истеъмол ва инвестиция харажатларининг ўсиши рағбатлантирилади.

Ялпи талаб қанчалик кўпайгани билан у иқтисодиётни ишлаб чиқариш имкониятлари (мавжуд ресурслар ва технологияларнинг шартли миқдори ва сифати) доирасидан ташқарига «суриб кўйишга» қодир бўлмайди. Ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасига яқинлашганда йиғма талабнинг ўсиши асосан реал ишлаб чиқаришнинг эмас, балки нархларнинг кўтарилиши ҳисобига рўй беради. Бинобарин, рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати иқтисодиёт пасайиш вазиятида бўлгандагина чинакам ижобий самара беради. Солиқ сиёсати олиб борилаётганда қисиб чиқариш деб аталадиган вазият билан тўқнашув рўй беради. Масалан, давлат харажатлари ўзгармай турган шароитда солиқ тушумлари камайди (ёки аксинча, давлат харажатлари кўпайиб, солиқ тушумлари эса аввалги даражасида қолди). Давлат харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқнинг ортишини (бюджет камомадининг ўсишини) давлат қарзлар ҳисобига қоплашга мажбур. Бунда давлат облигациялар чиқариши мумкин, бу облигацияларнинг сотилиши молия бозори маблағларидан фойдаланиш имконини беради. Бундай саъй-ҳаракат молия бозорида миллий жамғармалар таклифи камайишига олиб келади. Натижада фоиз ставкалари кўтарилади ва хусусий инвестициялар ҳажми тушиб кетади. Биз кўрган ҳолатда солиқларнинг камайиши туфайли келиб чиққан бюджет камомадининг ўсиши хусусий инвестицияларни «суриб чиқаради»ки, бунинг натижаси ўлароқ, ялпи талаб даражаси ўзгармай қолади. Бинобарин, қисқа муддат ичида суриб чиқариш самараси амал қилмайди ёки сезилмайдиган даражада рўй беради: молия бозори такомиллашмагани (корхоналар капитал маблағ сарфлаш учун пул оладиган

кредит ҳақидаги битимлар илгари тузиб қўйилгани) сабабли инвестициялар ва жамғармалар узоқ истиқболдагина тенглашади.

Солиқ сиёсатининг самарадорлиги соф экспорт самараси билан чекланади. Биз аниқлаганимиздек, солиқларнинг камайтирилиши миллий жамғармалар миқдорини кичрайтиради ҳамда ички фоиз ставкаларини катталаштиради. Бундай вазият оқибатда фақат ички (миллий) инвестицияларнинг қисқаришигагина эмас, балки мамлакатга чет эл капиталининг оқиб кириши тезлашишига ҳам олиб келади. Мазкур ҳолатда хориж инвестициялари ўсиб бораётган ички фоизли ставкалар билан рағбатлантирилади. Чет эл капиталининг оқиб келиши миллий валютага талабни оширади. Натижада валюта курси кўтарилади, соф экспорт миқдори қисқаради. Валюта курси кўтарилганида миллий товарлар жаҳон бозорида анча қимматлашади, хориж товарлари эса ички бозорда арзонлашади. Шундай қилиб, солиқларни камайтириш туфайли жамият харажатларининг кенгайиб кетиши экспортнинг қисқариши ва импортнинг ўсиши билан боғлиқ ялпи талабнинг пасайиши ҳисобидан қисман текисланади. Бундай самара қайд этилган валюта курслари шароитида амал қилмайди: солиқлар камайтирилганида валюта курси аввалги даражасида қолади ҳамда соф экспорт тегишли равишда ўзгармайди.¹⁰

2.2. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ имтиёзларини жорий қилиш ҳолати таҳлили

Мамлакатимизда бугунги кунда солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар хусусан иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига қатор имтиёз ва преференциялар жорий қилиш, шу орқали иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларига жалб қилинаётган (хусусан хорижий инвестициялар) ҳажмини кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва унинг таркибини

¹⁰ Манба: Ваҳабов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик /Ҳаммуал.: А.Ваҳабов, А.Жўраев. – Т.: “ЎҚИСОД-МОЛИҲА»” нашриёти – 2007. – 39 б.

такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланишда хизмат қилмоқда ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун асосий омил бўлмоқда.

Экспортни рағбатлантириш, миллий маҳсулотлар сифатини янада ошириш асносида унинг жаҳон бозорларидаги рақабатдошлигини янада ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар учун инвесторларга қатор имтиёз ва преференциялар яратилган ва уларнинг кафолати қонун билан мутаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, улар мулк солиғидан, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад солиғидан ҳамда бир қатор божхона божларини тўлашдан озод этилган.

Маълумки, макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни таъминлашда иқтисодиётга солиқ юкининг камайтирилиши ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётга умумий солиқ юки 2000 йилда 37,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 30 фоизга, 2011 йилда эса 29,9 фоизга (яъни 7,2 фоизга) пасайди. Шу даврда ЯИМ ҳажми барқарор ўсиб боргани юқорида келтирилган фикримизга далил бўлади.

Агар 2011 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми 61831,2 миллиард сўмни ташкил этганини ҳисобга олсак, 2000 йилга нисбатан солиқ юки 7,1 фоизга пасайиши натижасида 4390 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли ихтиёрида қолдирилди. Бу эса корхоналарнинг инвестицион фаоллиги кучайишига, уларнинг ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш бўйича дастурларни молиялаштириш салоҳиятининг ошишига, аҳолининг тўлов қобилияти ортишига олиб келди. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш ҳамда товарлар ва хизматларга бўлган ички талабнинг кенгайтирилиши эса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлди.

Иқтисодиётга солиқ юкининг пасайтирилишида солиқлар сонининг камайтирилиши, солиқ имтиёзларининг кенгайтирилиши билан бирга солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ишлаб чиқариш ҳажми ва даромадларнинг ортиши натижасида солиқ базасининг кенгайишига, давлат бюджети харажатларини тақчилликка йўл қўймасдан молиялаштиришга замин яратади.

Республикада кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида турли хил молиявий воситалар орқали бу соҳани қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш сифатида амал қилиб келмоқда. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантиришда солиқ тизимидан фойдаланиш ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1449-сонли қарорига мувофиқ, 2011 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги 7 фоизли ставкаси 1 фоизга камайтирилиб, 6 фоиз қилиб белгиланди. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектлари ихтиёрига давлат бюджетига тўлаши лозим бўлган 80 миллиард 300 миллион сўмлик маблағ уларнинг молиявий имкониятларини кучайтириш учун қолдирилди, провардида эса уларда ишлаб чиқариш ҳажми ўсган ҳолда, янги иш ўринларини яратишда ушбу субъектларнинг улуши ошиши таъминланди. 2012 йилда ҳам кичик бизнес субъектлари учун солиқ юки даражаси камайтирилди, яъни ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Охирги йилларда кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси йил сайин камайиб бориши кузатилмоқда. 2012 йил учун белгиланган солиқ ставкаси 1996 йилга нисбатан, 7,6 марта, 2000 йилга нисбатан 6 марта, 2005 йилга нисбатан эса 3 мартага қисқартирилган. 2012

йил Юртбошимиз томонидан “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши муносабати билан оилавий хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда солиқ тизимининг роли янада оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарорига мувофиқ, хизмат кўрсатиш соҳасида, айниқса сартарошлик ва бошқа шу каби маиший хизматлар соҳасида фаолиятни кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўртача 2 баробар камайтирилди.



2.2.1-расм. Кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси.

Автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматларни кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ҳудудлар бўйича унификация қилинди ва қатъий ягона солиқ ставкалари белгиланди. 2012 йил учун ишлаб чиқилган солиқ сиёсатида кичик бизнес субъектларига нисбатан солиқ имтиёзлари кенгайтирилди, айримларининг муддати узайтирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли Қарори билан микрофирма ва кичик корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 25 октябрдаги ПҚ-1050-сонли Қарори билан берилган солиқ ва божхона имтиёзлари 2014 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Ўтган йиллар давомида малакатимизда солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш айниқса уларнинг ташки иқтисодий фаолиятдаги иштирокини таъминлаш мақсадида бир қатор қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Жумладан, мамлакатимиздаги енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг қўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сонли Қарори билан:

2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб гўшт-сут маҳсулотини саноат қўламида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги фаолият фақат юридик шахс шаклида ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилиши; гўшт ва сутни қайта ишлайдиган корхоналарга ўз маҳсулотини автофургонларда аҳолига нақд пулга сотиш ҳуқуқи берилди, бунда нақд маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар куни инкассация қилиниши шартлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур қарор билан 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлов ставкасини

50 фоизга камайтириш, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек, хомашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш, гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, юртимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш каби солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.¹¹

Микрофирма ва кичик корхоналарнинг ташқи бозордаги иштирокини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга учун ҳам бир қатор имтиёзлар жорий этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, масалан Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъий назар) эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун амалда белгиланган ягона солиқ ставкаси тўловини қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (2.2.1-жадвал).

¹¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 63 бет.

2.2.1-жадвал

Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъий назар) эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун амалда белгиланган ягона солиқ ставкаси.


(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотларига тадбиқ этилмайди)	
Бажарилганлик шарти	Имтиёз
Сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгачани ташкил этганда	30%га пасайтирилади
сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан ортиқ фоизни ташкил этганда	50%га пасайтирилади

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланишида ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, мамлакатимиз экспорт ҳажмини янада ошириш ва таркибини яхшилаш муҳим омил бўлмоқда.

Республикаимизнинг ташқи савдо айланмаси 1990-2011 йиллар давомида 31,7 марта, жумладан, экспорт - 33,9 марта, импорт - қарийб 29 марта ошди. Натижада ташқи савдонинг ижобий сальдоси 56,6 марта ортди. Биргина “2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000

йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди”¹².



2.2.2-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси кўрсаткичлари (миллион АҚШ долл.).

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

Ташқи савдо балансида муттасил ижобий сальдога эришишни таъминловчи омилларидан бири ташқи иқтисодий фаолият катнашчиларига қатор имтиёз ва преференциялар жорий қилинганлигидир бу эса мамлакатимиз олтин-валюта захираларининг ортишига ва миллий валютамиз барқарорлигининг таъминланишига олиб келди, хорижий валюта талаб этадиган йирик инвестиция дастурларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтди. Хусусан, инвестиция дастурларини молиялаштиришда роли ўсиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январ, № 14 (5434)


жамғармасы капиталының 2012 жыл бошига келиб 9 миллиард доллардан ошиб кетишида ташқи савдода ижобий сальдога эришилаётгани асосий роль ўйнади.

Ҳукуматимиз томонидан ташқи савдо географиясини диверсификация қилиш, янги бозорларга кириб бориш, бу бозорларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2012 йилда Афғонистон Ислом Республикасининг Ҳайратон аҳоли пунктидан Мозори Шариф шаҳригача бўлган темир йўлнинг қурилиши, ушбу мамлакатга электр энергияси экспортининг кўпайтирилиши, Осиё минтақаси давлатларига пахта толасини сотиш ҳажмининг кўпайтирилиши буларга мисол бўлади.

Юртимизнинг экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарига, экспорт қилинаётган маҳсулотнинг тури, ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушига боғлиқ тарзда бир қатор имтиёзлар (масалан, фойда солиғининг пасайтирилган имтиёзли ставкаларини қўллаш, божхона божлари бўйича имтиёзлар) белгилаб берилан. 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурига кўра, маҳсулот экспорт қилуви корхоналарга бериладиган имтиёзлар доираси кенгайтирилди. Жумладан, жаҳон бозорида экспорт қилаётган маҳсулотига талаб пасайган корхоналарга банк кредитларини қайтариш муддатлари пролангация қилинди, солиқ тўловлари кечиктирилгани учун пеня ҳисоблаш тўхтатиб қўйилди ва ҳ.к.

Республикаимизда яратилган мустаҳкам ҳуқуқий муҳит ҳамда турли солиқ имтиёзлари ташқи иқтисодий фаолият асоси ҳисобланадиган инвестицияларнинг жозибадорлигини оширмоқда Зеро Президентимиз ўз маърузасида “...ишончим комилки, хорижий шерикларимиз билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз етарли. Содда қилиб айтганда, бу борада ишончли қафолатларни яратиш, хорижий инвесторларнинг ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш даркор”, деб таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгрок миқёсда жалб қилиш, уларни ўз маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида имтиёзли молиявий шароитлар яратилган. Улар қуйидаги чизмада ўз ифодасини топган.



2.2.3-расм. Ўзбекистон Республикасида яратилган имтиёзли молиявий шароитлар.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 377 бет.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Солиқ кодекси чет эл сармояларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асос ва тартибини белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;

- техникавий қайта қуролланиш;

- халқ истеъмолчи товарлари ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларнинг давлат фойдасига мусадара ва реквизиция қилинмаслигига кафолат беради.

Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолияти доирасида ишлаб топган даромадлари хорижий валютада чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтилиши давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар (иқтисодий платформа) берилади.

Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хомашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солиғидан биринчи йилнинг 25 фоизлик қисмидан, иккинчи йил 50 фоизлик қисмидан, учинчи йил 100 фоизлик озод қилинади, қишлоқ ҳудудида эса биринчи йилдан бошлаб бундай солиқдан 100 фоиз озод қилинади;

- мулк солиғидан 2 йилга озод қилинади;

- ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30 фоиздан ортиғи экспортга чиқарилса, 50 фоиз даромад солиғидан (фойда солиғи), 15-30 фоизи экспортга чиқарилса, 30 фоиз даромад (фойда) солиғидан озод қилинади;

- ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солиғидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра, нефть ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига хорижий компанияларни жалб қилган корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча солиқлардан, шунингдек, зарур ускуналарни импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинади.

Мазкур соҳадаги корхона чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда очилса:

- нефть ва газ казиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солиғидан;

- хорижий ҳамкорлар улушига мансуб капиталдан олинадиган даромад ва мулк солиғидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар кўшимча қиймат солиғидан ташқари барча солиқлардан озод қилинади;

- ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларни импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган. Унга кўра, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл

жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар хажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача -5 йил муддатга;

- 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган пул шаклидаги янги ташкил этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона – 10 йил муддатга

- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор тузилмалар қисқа муддатларда хорижий инвесторлар фаолияти учун яратилган амалдаги шароитларни чуқур ва танқидий ўрганиб чиқиш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга киришган. Ушбу таклифларни тайёрлашда мавжуд норматив базани, инвесторларни жалб этиш ва хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган корхоналарни рўйхатга олишнинг тартиб-қоидаларини, уларни ҳимоя қилиш бўйича ишончли кафолатларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамызда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари мавжуддир:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари.
2. Банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш.
3. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.
4. Хорижий инвестициялар.

Сўнги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратилган инвестициялар ва банк кредитларнинг салмоғи кескин ўзгарди.

Айни пайтда мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган самарали солиқ сиёсати туфайли ҳам хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони йил сайин ошиб бормоқда қуйидаги жадвалда ҳам буни яққол кўришимиз мумкин (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар

Корхоналар фаолияти	Корхоналар сони
2011 йилда янгидан ташкил этилган корхоналар сони	372 та
Фаолият юритаётган корхоналар сони	4203 та
Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар сони	1600 та
Фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони	372 та
Жами корхоналар сони	4575 та

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарга юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи илғор замонавий ускуналар сотиб олишда самарали рағбатлантириш омили бўлаётган қатор солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланишмоқда ва 2012 йилда ҳам даромадининг кўпроқ қисмини улар ихтиёрида қолдириш, иқтисодий манфаатдорликни, инвестицион фаолликни ва товарлар ҳамда хизматларга бўлган ички талабни ошириш борасидаги чора-тадбирлар давом эттирилиши кўзда тутилган.

Иккинчи боб бўйича қисқача хулоса

Мамлакатимизда экспортни рағбатлантириш, миллий маҳсулотлар сифатини янада ошириш асносида унинг жаҳон бозорларидаги рақобатдошлигини янада ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон

иқтисодиётга киритилаётган хорижий инвестициялар учун инвесторларга қатор имтиёз ва преференциялар яратилган ва уларнинг кафолати қонун билан мутахкамлаб қўйилган. Хусусан, улар мулк солиғидан, тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромад солиғидан ҳамда бир қатор божхона божларини тўлашдан озод этилган.

Маълумки, макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни таъминлашда иқтисодиётга солиқ юкининг камайтирилиши ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётга умумий солиқ юки 2000 йилда 37,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 30 фоизга, 2011 йилда эса 29,9 фоизга (яъни 7,2 фоизга) пасайди. Шу даврда ЯИМ ҳажми барқарор ўсиб боргани юқорида келтирилган фикримизга далил бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланишида ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, мамлакатимиз экспорт ҳажмини янада ошириш ва таркибини яхшилаш муҳим омил бўлмоқда.

Республикамизнинг ташқи савдо айланмаси 1990-2011 йиллар давомида 31,7 марта, жумладан, экспорт - 33,9 марта, импорт - қарийб 29 марта ошди. Натижада ташқи савдонинг ижобий сальдоси 56,6 марта ортганлиги ҳам буни кўрсатиб турмоқда.

III-Боб. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўналишлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда солиқ сиёсати йўналишлари

Республикамизнинг мустақилликка эришиши, ўзининг мустақил солиқ тизимини шакллантиришни ҳам тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, мустақилликнинг дастлабки йилларидан эътиборан мустақил солиқ тизимини шакллантиришга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширила бошланди ва ушбу ислохотларнинг самараси ўлароқ ҳозирги пайтга келиб республикамизда бир қадар ўзига хос бўлган солиқ тизими шакллантирилди. Ўзига хос бўлган солиқ тизимининг шакллантирилишини солиқ сиёсатининг самараси сифатида эътироф этиш мумкин. Республикамиз давлатчилик шаклидан келиб чиқиб республикамизда республика бюджети даромадларини шакллантиришга қаратилган умумдавлат солиқлари ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришга қаратилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади. Солиқларнинг бюджетлар ўртасида тақсимланиши Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси билан мустаҳкамланган бўлиб, унга мувофиқ республикамиз солиқ тизимида амал қиладиган ҳар бир солиқ тури у ёки бу бюджетга тушиши қатъий белгилаб кўйилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ айрим умумдавлат солиқлари маҳаллий бюджетларга тўлиқлигича бириктирилиши ёки улардан тушумлар республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши мумкин. Ушбу тизим бир неча йиллардан буён маҳаллий бюджетлар камомadini бартараф этиш мақсадида амалиётда самарали қўлланилиб келинмоқда.¹³

¹³ Манба: Alimardonov M.I., Toxsonov Q.N. Soliq nazariyasi. O'quv qo'llanma – T.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2010. 168 b.

Шу ўринда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларни солиққа тортишнинг муҳим тартибларига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Республикамиз солиқ қонунчилигида ҳозирги вақтда солиққа тортишнинг умумбелгиланган тизими билан бир қаторда, амалдаги барча солиқлар ўрнига ягона солиқни тўлашни кўзда тутувчи солиққа тортишнинг алоҳида тартиблари ҳам мавжуд. Бу тартиб қуйидагилар учун кўзда тутилган:

- савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;
- соддалаштирилган солиққа тортиш тизимидан фойдаланаётган кичик тадбиркорлик субъектлари;
- қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналари;
- лотореялар ва бошқа ўйинларни ўтказишга ихтисослашган юридик шахслар;
- тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари билангина шуғулланувчи юридик шахслар (бильярдхоналар, қисқа муддатли автомобиль саклаш жойлари, болалар ўйин автоматлари).


Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларни солиққа тортиш тартибидаги ўзига хосликни мамлакатимиз солиқ тизимининг муҳим хусусияти сифатида эътироф этиш лозим. Чунки республикамиз солиқ қонунчилигига мувофиқ бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим бўлган соҳалар алоҳида тартиб бўйича солиққа тортилиб келинмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз солиқ тизимининг муҳим хусусиятлари сифатида солиқ тўловчиларга нисбатан кўзда тутилган имтиёзларни ҳам қайд этиш мумкин. Жумладан, экспорт фаолиятини рағбатлантиришга, хорижий инвестициялар кириб келишини рағбатлантиришга қаратилган, аҳолининг ижтимоий шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолдаги имтиёзларни уларнинг ифодаси сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида икки йўналиш: ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларга нисбатан солиқ сиёсати ва аҳолининг турли

ижтимоий гуруҳлари учун солиқ сиёсати каби йўналишларга бўлиб ўрганилади.

Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари асоси сифатида уларнинг фаолиятига жорий этилаётган солиқ имтиёзларини аълоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.



3.1.1-расм. Ўзбекисто Республикасида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш чоралари

Манба: Ж.Жалолов ва бошқалар. Ташқи иқтисодий фаолият асослари. Ўқув қўллама. Т.: ТДИУ, 2011. – 122 бет.

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналиши бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган қатор илмий асосланган солиқларни жорий этиш ва шу орқали мавжуд солиқ тизимини тубдан қайта ташкил этишдан иборат бўлди. Солиқ сиёсатининг кейинги йўналиши эса жорий этилган солиқларнинг самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида солиқ муносабатларини амалга оширувчи тегишли муассасаларни ташкил этишга қаратилди. Хусусан, дастлаб Вазирлар Маҳкамаси қошида Солиқ бош бошқармаси ташкил этилган бўлса, 1994 йилга келиб бу бошқарма Давлат Солиқ Қўмитасига айлантирилди ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Бундан кўринадики, бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида солиқ

сиёсатида асосан ташкилий жиҳатларга эътибор қаратилди, яъни солиқларни жорий этиш ва солиқ сиёсатини бевосита амалга оширувчи тегишли муассасалар шакллантирилди.

Бу даврдаги солиқ сиёсатининг асосий хусусиятларидан бири солиқларнинг кўпроқ фискал аҳамият касб этишида, яъни кўпроқ эътибор давлат бюджети даромадларини шакллантиришга қаратилди.

Жаҳон солиқ сиёсати тажрибасида солиққа тортишнинг қуйидаги йўналишларига катта эътибор берилади:

- 1) ҳар хил мулк шаклларига мосланган корхона ва ташкилотларнинг хўжалик юритишига мумкин қадар иқтисодий шароит яратиш, уларни бозор муносабатларига кириб боришига ҳар томонлама кўмаклашиш;
- 2) ижтимоий-зарурий умумдавлат вазифаларини бажариш учун давлатни керак бўлган молиявий манбалар билан таъминлаш;
- 3) бозор иқтисодиёти шароитида янги ижтимоий-иқтисодий омилларни ташкил қилишда қатнашиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, иқтисодий ночорларга ёрдам бериш;
- 4) аҳоли турмуш даражасини зарурий меъёрда сақлаб туриш имконини излаш ва таъминлаш, солиққа тортилмайдиган даромад минимумини вақти-вақти билан ошириб бориш. Бунда «истеъмом саватчаси» маълумотларини эътиборга олиш.

Бугунги кунда республикада солиқ сиёсатининг муҳим йўналишлари сифатида солиқ юкни янада пасайтириш, юридик ва жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштириш, билвосита солиққа тортиш самарадорлигини таъминлаш, ресурс солиқларига кўпроқ эътибор қаратиш, солиқ тизимининг соддалигига эришиш, давлат харажатларини оптималлаштириш кабиларни қайд этиш мумкин.

Республикада солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкни изчил камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўп бора таъкидланмоқда. Бунда биринчи навбатда уларнинг даромадларидан ундириладиган бевосита солиқларнинг

салмоғини камайтириш лозимлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг натижасида корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар улушининг кўпайиши эвазига унинг айланма маблағлари миқдорини кўпайтириб бориш ва оптимал даражасини сақлаш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида кўпроқ инвестиция киритиш, ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш имконини беради.

Бевосита солиқлар бўйича солиқ юкни изчил камайтириш солиқ сиёсатининг самарадорлигини ЯИМ га нисбатан улар тушумининг барқарор камайиши тенденцияси ҳам исботлайди. Солиқ тизимини такомиллаштиришда устувор аҳамият билвосита солиққа тортишга қаратилган. Билвосита солиқлар товарларга нисбатан қўшимча бўлгани ҳолда, пировард натижада ишлаб чиқарувчининг молиявий ҳолатига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмайди ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилмайди.

Ресурс солиқлари ер, сув ва бошқа табиий бойликлардан самарали фойдаланишни таъминловчи амалий восита бўлгани ҳолда бозор иқтисодиётида табиий ресурслардан фойдаланиш ва келажак авлодлар учун сақлаш борасида муҳим роль ўйнайди.

Солиқлар давлат фаолиятининг молиявий манбаи бўлганлигидан солиқ сиёсатини ишлаб чиқишнинг ташкилотчиси ва раҳбаридир. Бунинг учун давлат ўз қўлидаги бутун кучини идораларини жалб қилиб, уни ишлаб чиқади. Бундай ташкилотларга Молия Вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси ва бошқа илмий-услугий ташкилотлар киради. Солиқ сиёсати муваффақиятли ишлаб кетиши учун давлат илмий изланиш ташкилотлари тузиб, уларнинг иш якунларидан фойдаланади. Ана шундай ташкилот Вазирлар Маҳкамаси қошидаги илмий текшириш маркази бўлиши лозим.

Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқаётганда мавжуд солиқларни ёки янги киритилишига мўлжалланаётган солиқларни моҳиятини, аҳамияти, келиб чиқиш ва ривожланиш тарихини чуқур ўрганиш лозим. Айниқса, янги солиқлар жорий қилиниши илмий асосланиши керак. Бунда йирик

амалиётчи мутахассислар ва олимлар ўртасида эркин бахslashув асосида бирор қарорга келиш зарур. Бу ерда ҳеч қачон бир соҳанинг мутахассислари фикри билангина чегараланиб қолмаслик керак, чунки улар ўз манфаатларини кўпроқ кўзлаб, умумдавлат манфаатларини кўра олмасликлари мумкин.

Демак, давлат солиқ сиёсатини тайёрловчи ва уни тўлиқ ҳаётга тадбиқ қилишнинг ташкилотчилик ва бошқарувчилик ролини бажаради. Давлатнинг солиқ сиёсатини фаол юритиш бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтиш ва унинг муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим омилдир.¹⁴

3.2. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда солиқ тизимини такомиллаштириш йўллари

Бозор иқтисодиёти такомиллашиб бараётган ва иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлашда, ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестициялар, илмий текширув ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш ва тартибга солишда давлат томонидан солиқ тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Солиқ тизимини такомиллаштириб боришнинг хорижий мамлакатлар тажрибасида уларда солиқ ставкаларининг қўлланиш механизмидан фойдаланиш, солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушушини назорат қилиш тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқ тизимини бошқаришни ислоҳ қилишда ва такомиллаштиришда 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги Солиқ кодекси муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибаси ва солиққа тортишнинг мамлакатда синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ўрганиш асосида тайёрланган янги Солиқ

¹⁴ Манба: С.К.Худойқулов, Х.А.Қурбонов, М.Ж.Бауетдинов, Қ.Н. Тўхсанов, А.Т.Агзамов “Молия ва солиқлар” фанидан маърузалар матни. ТДИУ., 2011 й.

кодексида кўзда тутилган меъёрлар ва қоидалар, биринчи навбатда, солиқ тизими ва муносабатларини унификация қилиш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилгандир. Шу сабабли янги Солиқ кодексининг амалий ижросини диққат билан ўрганиш, унинг қандай шароитларда самара бераётгани, қайси ҳолатларда эса уни янада такомиллаштириш ёки тузатиш зарурлигини аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Шу муносабат билан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда янги солиқ қонунчилигини амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш бўйича махсус Идоралараро гуруҳ ташкил етиш ва зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамасига Солиқ кодексининг айрим моддаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш топширилган ва бу вазифа мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда.¹⁵

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими йўналишида кенг маънода қуйидагиларни ўз ичига олади (улар 3.2.1-чизмада ҳам акс эттирилган):

- солиқлар ва уларнинг турлари;
- бошқа мажбурий тўловлар (божлар, ажратмалар, ўтказмалар, бадаллар, йиғимлар, тўловлар);
- солиқ тўловчилар;
- солиқ ундирувчилар;
- солиқ қонунчилиги;
- солиқ мажбурияти;
- солиқ назорати.

¹⁵ Манба: Тухлиев Б.К., Юсупов О.А., Агзамов А.Т, Тўхсанов Қ.Н. Солиқлар ва солиққа тортиш: Ўқув қўлланма. – Т.: 2011. -320 б.



3.2.1-чизма. Солиқ тизими йўналиши таркиби

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда солиқ тизимини такомиллаштиришда солиқ хизмати органлари фаолияти муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ хизмати, солиқ хизмати органлари, уларнинг тузилиши, вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш ва бошқа масалалари Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгилаб берилган. Давлат солиқ хизмати органлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга ва тегишли жамғармаларга тушишини тامينлаш мақсадида тузилади. Давлат солиқ хизмати органларига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳар давлат солиқ бош

бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари, туман ва шаҳарларнинг давлат солиқ инспекциялари (3.2.2-чизмага қаранг).



3.2.2-чизма. Ўзбекистонда давлат солиқ хизмати органлари.

Манба: Намроев Н.Р. Soliqlar va soliqqa tortish. Darslik. Buxoro Davlat universiteti, Buxoro, 2010, 37 bet.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятини давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органларидан мустақил тарзда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар. Уларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир. Давлат солиқ органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни давлатнинг бошқарув органлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқларга оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан

давлат назоратини амалга ошириш ва солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат солиқ органларига кўмаклашишлари керак.

Кейинги йилларда солиқ сиёсатини эркинлаштириш ва такомиллаштириш устувор йўналишлар қаторига киритилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бу йўналишда солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, солиқ юқини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификатсия қилиш орқали ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб – қувватлаш асосий вазифа қилиб белгиланган.

Ташқи иқтисодий фаолият энг долзарб муаммолардан бўлган бўлган аҳоли бандлиги ва уни кўтариш муаммосини ҳал етишда ўзига хос вазифасини бажаради, энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мазкур соҳани солиқлар ёрдамида қўллаб-қувватлаш сиёсати амалга оширилиб келмоқда.

Кейинги йилларда республика давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда. Бу бюджетга солиқлар ва бошқа тушумларнинг бюджет харажатларидан кўпроқ тушиши натижасидир. Бундай ҳолат давлат қарзлари масаласини ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тезроқ ҳал қилиш имконини беради. Давлат бюджетини бажаришга қаратилган ғазначилик хизматини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширади.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда солиқ устуворлигини таъминлаш;

- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;

- экспортга кўмаклашувчи транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш солиқ имтиёзларини жорий қилиш;

- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтиришда солиқлар орқали кўмаклашиш ва ҳ.к.

Фикримизча ташқи иқтисодий фаолият соҳасини янада ривожлантиришда солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўллаш лозим имтиёзлар жорий қилиши муҳим албатта аммо, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятнинг асоси бўлган инвестицияларни қабул қилаётган томон тўғридан-тўғри инвестицияларнинг иқтисодиётнинг баъзи соҳаларига ёки баъзи фаолият турларига киришини тақиқлаб ёки солиқларни юқорлиги орқали чегаралаб қўяди. Масалан, баъзи давлатларда банк секторига ёки матбаачиликка чет эл инвестицияларини киритишга рухсат этилмайди. Баъзи ривожланган давлатларда эса инвестициялар киритиш учун шу давлат томонидан бир қанча шартлар илгари сурилади. Бу шартлар ишлаб чиқариш жараёнида албатта мамлакат ичкарисидаги хом ашёдан фойдаланиш, ижтимоий объектларни қурилишида иштирок этиш сифатида қўйилиши мумкин. Ўзбекистонда ҳам чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётга жалб қилишда ва уларни бошқаришда буни назардан қочирмаслик керак бу соҳанинг жуда ҳам ривожланиб кетишини ҳар доим ҳам ижобий баҳоланмаслиги зарур чунки 2008 йилда авж олиб ҳозирда ҳам давом этиб келаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларидан ҳам билиб олиш мумкин. Албатта бу жараёнлар миллий иқтисодий манфаатлардан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим.

Учинчи боб бўйича қисқача хулоса

Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларни солиққа тортиш тартибидаги ўзига хосликни мамлакатимиз солиқ тизимининг муҳим хусусияти сифатида эътироф этиш лозим. Чунки республикаимиз солиқ қонунчилигига мувофиқ бугунги кунда мамлакатимиз

иқтисодиётида муҳим бўлган соҳалар алоҳида тартиб бўйича солиққа тортилиб келинмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз солиқ тизимининг муҳим хусусиятлари сифатида солиқ тўловчиларга нисбатан кўзда тутилган имтиёзларни ҳам қайд этиш мумкин. Жумладан, экспорт фаолиятини рағбатлантиришга, хорижий инвестициялар кириб келишини рағбатлантиришга қаратилган, аҳолининг ижтимоий шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолдаги имтиёзларни уларнинг ифодаси сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида икки йўналиш: ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларга нисбатан солиқ сиёсати ва аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари учун солиқ сиёсати каби йўналишларга бўлиб ўрганилади.

Бозор иқтисодиёти такомиллашиб бараётган ва иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлашда, ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестициялар, илмий текширув ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш ва тартибга солишда давлат томонидан солиқ тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Солиқ тизимини такомиллаштириб боришнинг хорижий мамлакатлар тажрибасида уларда солиқ ставкаларининг қўлланиш механизмидан фойдаланиш, солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушушини назорат қилиш тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий иши нихоясида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Президентимиз И.А. Каримов томонидан илгари сурилган давлат иқтисодий сиёсати бўлган иқтисодиётни эркинлаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимини такомиллаштириш ва имтиёзлар жорий қилиш масаласи, шу орқали бевосита чет эл сармоясини мамлакатимизга олиб кириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги кўшма корхоналар очиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш товар рақобатбардошлигини ошириш ва уларни ривожлантиришга кенг йўл очиб бермоқда. Чунки ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда жуда кўп турдаги тўсиқлар мавжуд. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, хорижий давлат корхоналари ва бизнинг корхоналар ҳамкорлигида иш юритади. Ўзбекистон Республикасида хом-ашё ресурслари, арзон ишчи кучининг мавжудлиги мамлакатда махсулот ишлаб чиқариш, уни тайёр ҳолатга келтириш ва қайта ишлаш таннархи бошқа давлатлардагига қараганда арзонроқ тушади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги кўшма корхоналар тузишда Ўзбекистон томони ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган ер, жой масалаларини ечилишини таъминлаб берса, хорижий шерик зарур бўладиган техника-технологиялар асбоб ускуналар олиб келишни ўз зиммасига олади, чиқарилган махсулотнинг фойдаси устав фондидаги улушга кўра тақсимланади.

Ўзбекистон Республикасида Марказий Осиё давлатлари билан кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Республикаимизнинг Яқин Шарқ ва Жанубий – Шарқий Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларга яқинлиги, чегарадошлиги, Европа ва Осиё мамлакатлари савдо йўлида жойлашганлиги ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бунинг натижасида экспортга ихтисослашган кўшма субъектларни яратиш, табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича чегарадош хўжаликларни ташкил қилиш, эркин иқтисодий минтақаларни

шакллантириш негизда ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш имкониятлари вужудга келади.

Ҳозирги кунда республикада импортнинг ўрнини қоплаш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш дастурида солиқ имтиёзлари устуворлиги муҳим омил сифатида амалга оширилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш учун хорижий сармояларни устувор йўналишларга жадалроқ жалб қилиш, уларга кафолат ва имтиёзлар бериш, лицензиялар, “пou - хаи”лар сотиб олиш, валюта тушумларини кадрларни тайёрлашга сарфлашда эркинликлар беришга қаратилган изчил сиёсат олиб борилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини ошириш – ушбу соҳадаги бошқарувни такомиллаштириш, аввало, саноат йўналишидаги субъектларини бошқариш ва иқтисодий рағбатлантириш тизимини яратишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жаҳон талаблари даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун субъектларни замонавий илғор технология, энг янги ускуналар, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун мўлжалланган ихчам ускуналар билан жиҳозлаш талаб қилинади.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда экспортга нисбатан қуйидаги солиқ ва бошқа турдаги имтиёзлар берилган. Бу имтиёзларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

1. Корхона ўзи ишлаб чиқарган товарни эркин алмаштириладиган валютада сотадиган бўлса, унга олдиндан тўлаш ва аккредитивсиз экспорт қилиш ҳуқуқи берилади.

2. Товар экспорти ички бозор баҳосидан паст баҳода амалга оширилганда солиққа тортиш ҳақиқатда сотиладиган баҳо бўйича амалга оширилади.

3. Экспортга чиқарилаётган товарларнинг ҳажми умумий сотиш ҳажмининг 30 фоизи ёки ундан ортиғини ташкил қилса, даромад солиғининг миқдори икки мартага қисқартирилади.

4. МДҲга маҳсулот экспорт қиладиган корхоналар 1998 йил 1 январдан бошлаб, акциз солиғи ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинганлар.

5. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча ишлаб чиқариш субъектлари чет давлатларда ўз уйлари ва ваколатхоналарини очишлари мумкин. Шу билан бирга, уларга консигнация шартлари асосида товар етказиб беришларига рухсат берилади.¹⁶

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда хорижий сармояларни жалб этиш учун солиқ имтиёзлари бериш қулай шарт – шароитлар яратишга, ҳамда зарур бўлган инфратузилмаларни яратишга катта аҳамият берилмоқда. Булар жумласига, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Хорижий сармоялар бўйича агентлик, “Ўзбекинвест” экспорт – импорт миллий суғурта компаниясини киритишимиз мумкин. Республикамизга хорижий сармояларнинг кириб келишини тезлаштириш, устувор йўналишларни аниқлаш, уларни солиқ имтиёзларини бериш, суғурталаш, банк ва консалтинг хизматлари кўрсатишда бу ташкилот ва муассасаларнинг ҳиссаси катта.

Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимотида ўз ўрнини топиши ва экспорт салоҳиятини юксалтириш орқали ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириши учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим:

¹⁶ Манба: Доц. Д. Набиев, к. ў. И. Нематов, “Қўшма корхоналарни ташкил этишга инвестицияларни киритишнинг устувор йўналишлари ва вазифалари”, Илмий-амалий анжумани тезислар тўплами (2008 йил 3 июл). – Т.: «Иқтисодиёт» нашр., 2008. - 17 б.

- республиканинг экспорт имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга шароит яратиш, экспортга йўналтирилган миллий иқтисодиётни шакллантириш;

- маблағларнинг саноат экспортга мўлжалланган, рақобатбардош, фан сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган устувор йўналишларда жамлаш;

- ташқи иқтисодий фаолият тармоқларининг мажмуини – ихтисослаштирилган савдо уйлари, лизинг, консалтинг, франчайзинг ва суғурта фирмалари, банк, транспорт, коммуникация ва солиқ тизимини янада такомиллаштириш;

- маҳсулотларни стандартлаш ва сертификациялаш ҳалқаро тизимига жадаллик билан ўтишни таъминлаш мақсадида солиқ ва бошқа тўловларни тўлашда имтиёزلарни жорий қилиш;

- тармоқлар ичида экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи махсус цех ёки фирмаларни ташкил қилиш ва уларни замонавий технологиялар билан таъминлашни йўлга қўйиш;

- технопарк ёки технополислар ташкил қилиш асосида илмий – тадқиқот ва тажриба лойиҳа ишларин бевосита ишлаб чиқариш билан қўшиб олиб бориш;

- миллий лицензиялаш ва патенлаш тизимини бугунги кун талаби асосида ташкил қилиш;

- доимий равишда ички ва ташқи бозор конъюнктурасини маркетинг жиҳатидан тадқиқ қилиш, харидорлар эҳтиёжига мос келадиган товарлар турларини яратиш.

- хорижий инвесторларнинг ҳуқуқи бузилганда давлат идоралари зиммасига вужудга келган зарарни қоплаш масъулиятини қайта кўриб чиқиш ва уни такомиллаштириш;

- давлат ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари баҳоларининг, инвестиция фоизларининг шаклланишига тўғридан-тўғри аралашмаса ҳам, у ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат мухитини вужудга

келтириш учун, махсулотларни ишлаб чиқариш, инвестицияни монополиялаштиришнинг олдини олиш, асосий истеъмол товарларига белгиланаётган баҳолар устидан назорат ўрнатиш, истеъмол саватини хисоблаш асосида белгиланган минимал ойлик иш хақи ва бошқа бозор механизмлари орқали билвосита таъсир кўрсатиши лозим;

- халқаро ташувларни амалга оширувчи компаниялар техника паркини замонавий талабларга жавоб беришини таъминлаш;

- Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишда миллий корхоналарни истиқболда экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий компаниялар билан алоқаларни йўлга қўйиш, халқаро савдо муносабатларини ривожлантириш бўйича ислохотлар ўтказишда солиқ имтиёзлари устуворлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

- қўшма корхоналарни ташқи бозорларга йўналтирилган фаолиятини жадаллаштириш, валюта оқимини барқарорлаштириш. Бунга рағбатлантириш учун турли хил коммунал хизматлардан қисман озод этиш ва солиқ, йиғим, божхона тўловларидан тўлиқ озод этиш орқали эришиш;

- эркин экспорт зоналари амалиётини ўрганиш ва уларни юртимизда жорий қилишга эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-313-сонли Қонуни. //Халқ сўзи. -2011-№ 201. 31 декабрь.
4. Экспорт назорати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9 моддасига қўшимча киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси қонуни-2006 йил 20 июн //Халқ сўзи.-2006 йил 21 июн. № 118-1б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги» ги қонуни. –Т.: 1996.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар. – Т.: 2012.
7. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2012 йил 10 апрель. //Халқ сўзи-2012 йил 11апрель. № 70 (5490) -1б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1092-сонли қарори. 2009 йил 8 апрель //Халқ сўзи-2009 йил 9 апрель. № 68 -1б.

III.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 290-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008й

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодийнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” 288-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008й.

11. Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Мажлиси Қарори. 2007 йил 30 январ, 21-сон. //Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари.-2007. И-3.-29б.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

12. И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”. 2009й. -56 бет

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”мавзусидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январ, № 14 (5434)

14. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 14 феврал, № 33-34 (4696-4697)

15. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. //Халқ сўзи, 2008 йил 9 феврал, 28-сони.

V. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлар

16. Ўзбекистон Республикаси ТИАИС вазирлигининг «Экспорт шартномаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида» низом. ЎЗ АВ томонидан 192-сон билан рўйхатга олинган –Т.: 2001 й.

VI. Дарсликлар

17. Namroyev H.R. Soliqlar va soliqqa tortish. Darslik. Buxoro Davlat universiteti, Buxoro, 2010, 280 bet.

18. Вахабов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик /Ҳаммуал.: А.Вахабов, А.Жўраев. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти – 2007. – 239 б.

19. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Муҳиддинова У.С. “Глобал бизнес”. –Т.: “Ўқитувчи”, 2003.

20. Бағиев Г.Л., Моисеева Н.К., Черенков В.И. Международный маркетинг: Учебник для вузов. 2-е изд.- Спб.: Питер, 2008.-688 с.

21. Авдокушин Е.Ф. Маркетинг в международном бизнесе: Учеб. пособ. – 3 – е изд. – М.: «Дашков - К», 2007. – 328 с.

22. Свихунов В.Г. Таможенно-тарифное регулирование внешне-экономической деятельности. Учеб. пособие. – М.: Экономист, 2004.

VII. Ўқув қўлланмалар

23. Жумаев Н.Х., Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю. Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. –Т.: Иқтисодиёт, 2009. -120 б.

25. Йўлдошев А. Солиқ ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Т., Фан ва технология, 2010.
26. Тухлиев Б.К., Юсупов О.А., Агзамов А.Т, Тўхсанов Қ.Н. Солиқлар ва солиққа тортиш: Ўқув қўлланма. – Т.: 2011. -320 б.
27. Alimardonov M.I., Toxsonov Q.N. Soliq nazariyasi. O'quv qo'llanma – Т.: O'zbe kiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. 168b.
28. И.С.Хотамов, Г.А.Абдилакимов «Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш» фани (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2012.160 бет.
29. Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н. Оммабоп иқтисодиёт: моҳият ва асосий тушунчалар. Илмий-оммабоп нашр. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. - 197 б.
30. Карпова С.В. Международный маркетинг. Учеб. пособие для вузов, 2-е изд. – М.: Экзамен, 2006 – 288с.
31. Голубкова Е.Н. Международный маркетинг: учеб.- метод. пособ.- М.: Дело и Сервис, 2008.-256 с.
32. Дейнекин Т.В. Международный маркетинг и интернет маркетинг: уч.пособие – М.: МЕСИ 2006.

VIII. Илмий монографиялар, мақолалар

33. Қориева Ё.К. Халқаро маркетинг. Монография. Тошкент. “Фан” 2005.

IX. Докторлик ва номзодлик диссертациялари

34. Шадманкулов А.А. Кичик бизнес субъектларида маркетинг фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши (пояфзал ишлаб чиқарувчи корхоналар мисолида). Номзодлик диссертацияси. Т.:ТДИУ.-2006.-147 б.
35. Яхшиева М.Т. Маркетинг тизимида мақсадли бозор сегментларини танлаш механизмини такомиллаштириш (зардўзлик буюмлари бозори мисолида). Номзодлик диссертацияси. Т.:ТДИУ.-2006.-148 б.

X. Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўпламлари

36. Двадцат второе Плехановское чтение. 10 апреля 2009 года. Москва.

37. Миллий иқтисодиёт тармоқларини ислох қилиш ва барқарор ривожланишининг муаммолари, 10 ноябр 2005 йил. ТДИУ.

38. Д. Набиев, И. Нематов, “Қўшма корхоналарни ташкил этишга инвестицияларни қиритишнинг устувор йўналишлари ва вазифалари”, Илмий-амалий анжумани тезислар тўплами (2008 йил 3 июл). – Т.: «Иқтисодиёт» нашр., 2008. - 158 б.

XI. Газета ва журналлар

39. Халқ сўзи” газетаси 2011-2012 йил сонлари.

40. Иқтисодиёт ва таълим 2010-2011 йил сонлари

41. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнал. –Т.: 2011-2012 йиллар

42. «Халқ сўзи» газета. –Т.: 2007-2009 йиллар

43. Hull. M., -“Options, Futures, and Monetary Policy” \ Journal of political Economy. Milan 2008.

XII. Статистика тўплamlари маълумотлари

44. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича яқунлари. – Т.: Давлат статистика қўмитаси. 2012.

XIII. Интернет сайтлари.

45. www.gov.uz–Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.

46. www.press-service.uz–Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.

47. www.mfer.uz–Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.

48. www.soliq.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти.

49. www.UzA.Uz–Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

50. www.review.uz – “Економическое обозрение” журналининг расмий сайти.

51. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.

52. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.

53. www.eurasianews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.